Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 19 (20. 586) • 1990 йил 23 январь, сешанба • Баҳоси 3 тийин.

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

ЧЕВАР ҚИЗ ШИЖОАТИ

Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикув-бичув цехида қўллаб илғорлар меҳнат қилади. Зуҳра Ҳошимова ана шулардан биридир. У бирлашмада бор-йўғи етти йилдан бери ишлайди. Лекин шунга қарамай тез орада коллектив орасида обрў-эътибор қозонди. Ана шу қисқа давр ичида ўзини ҳар томонлама кўрсатди. Меҳнатда илғор бўлиш билан бирга ажойиб жамоатчи сифатида танилди. Унинг сергайратлиги, ишбилармонлигини назарда тутиб, цехдаги бригадалардан бирига бошлиқ қилиб сайлашди. Шуниси диққатга сазоворки, корхонадагилар Зуҳра ҳақида гапирганда уни одамларга меҳрибон, иқтисод масалаларига анча зийраклик билан ёндашадиган, камчиликларга муросасиз ишчи сифатида таърифлашади.

Шунинг учун ҳам ҳамкасбпари Зуҳра Ҳошимовага ишонч билдиришди. У Октябрь район халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди. У бу ишончни оқлашга, аёллар меҳнати муаммоларини ҳал қилишга ваъда берди. Зеро бирлашмади асосан аёллар меҳнат қилишади.

Суратда: КПСС аъзоси Зуҳра Ҳошимова (чапда) ўз бригадаси аъзолари билан.

Р. ШАМСУТДИНОВ сурати (ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитетида

Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитети матбуот группасининг хабар беришича, шу комитет коллегиясининг мажлисида республика чекистларининг ўтган йилги иш якунлари кўриб чиқилди ва уларнинг 1990 йилдаги фаолияти режаси белгиланди.

Мазкур режада чет эл давлатлари махсус хизмат маҳкамалари ва мамлакат ичидаги социализмга қарши унсурларнинг қайта қуришга халал беришга уринишларига қарши чекистлар ҳаракатини кучайтириш чоралари билан бирга уюшган жиноятчиликка қарши самарали курашни кучайтириш, кадрлар билан ишлашни такомиллаштиришга оид вазифалар белгиланган. Ўзбекистон давлат хавфсизлиги органлари фаолиятида ошкораликни янада кенгайтириш, уларнинг меҳнаткашлар билан алоқасини мустаҳкамлаш йўллари назарда тутилган.

Республика давлат хавфсизлиги комитети коллегиясининг мажлисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари СССР Олий Советининг Раиси

М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ

Марказий телевидение орқали сўзлаган нутқи

Ўртоқлар! Биз ҳаммамиз Озарбайжон билан Арманистон ўртасида узоқ давом этиб келаётган миллатлараро можаронинг гувоҳларимиз. Бу ерда вужудга келган кескинлик тўхташи ўрнига, вақти-вақти билан авж олиб, ҳар сафар оғир оқибатларга олиб келаётганидан ҳаммамиз қаттиқ ташвишланяпмиз.

Кейинги икки йил мобайнида марказий ҳокимият органлари сабр-тоқат ва вазминлик билан ҳаракат қилишга интилиб келдилар, мураккаб муаммоларни фақат тинч сиёсий воситалар билан ҳал этишга ҳаркат қилдилар.

Ўртоқларча мулоқот, СССР Олий Советидаги, партия Марказий Комитетидаги, ҳукуматдаги муҳокамалар, СССР халқ депутатларининг сафарлари, иккала республика раҳбарлари билан, депутатлар билан Москвада бир неча бор ўтказилган учрашувлар — мана шуларнинг ҳамласи иноқликка эришиш, яхши қўшничилик, қолаверса, оддий инсоний муносабатларни тиклаш, вужудга келган мушкул аҳволдан қутулиш иложини топиш ва пировард натижада, Тоғли Қорабоғ теварагидаги аҳволни нормаллаштиришдан иборат ягона мақсад йўлида фойдаланилди.

Шундай иш тутар эканмиз, зўравонлик, душманлик, можаронинг давом этиши ҳеч бир яхшиликка олиб бормаслигига, балки фақат вазиятни баттар мушкуллаштиришига, янада кўпроқ одамларнинг қурбон бўлишига, янада кўпроқ зўравонлик қилинишига олиб боради, деган ишончга асосландик.

Афсуски, иккала республиканинг партия, совет, давлат органлари мана шундай шароитда муносиб даражада масъулият ва вазминлик кўрсатмадилар, кўпинча миллатчи гуруҳларнинг тазйиқи остида принципиал позицияларни бой бериб ҳам қўйдилар.

Кейинги вақтларда ҳам шундай бўлди, Арманистон ССР Олий Совети ва Озарбайжон ССР Олий Совети сессияларида СССР Конституциясига зид бўлган қарорлар қабул қилинди. Бу қарорлар вазиятни нормаллаштиришга кўмаклашиш бир ёқда турсин, балки, аксинча, вазиятни кескинлаштирди, қарама-қаршиликни кучайтирди.

СССР халқ депутатларининг II съезди минбаридан алоҳида куч билан янграган ақл-идрок овозига ҳам иккала томон қулоқ солмади.

Мана шу вазиятдан жамиятга, халққа қарши бўлган унсурлар фойдаланиб, душманликни янада авж олдириш ва можарони кучайтиришга киришдилар. Айниқса чегара районларида ва биргаликда яшаш районларида қуролли тўқнашувлар бошланди.

СССР Олий Совети Президиуми шу йилнинг 15 январида Тоғли Қорабоғ автоном областида ҳамда Озарбайжон билан Арманистоннинг бошқа баъзи районларида фавқулодда ҳолат жорий этиш тўғрисида Фармон қабул қилишга мажбур бўлди.

Мана шу чора зўравонликни тўхтатиши, ўз халқларини бош-бошдоқлик ва азоб-уқубат гирдобига дучор қилган экстремистларнинг, халқ фронтлари раҳбарларининг эсини жойига келтириб қўйиши лозимдек эди.

Бироқ ақл-идрок овози, совет жамоатчилигининг, мамлакатимиз барча халқларининг овози бу сафар ҳам назар-писанд қилинмади.

Мулоқотга, иноқликка, сабр-тоқатга қилинган даъватлар эътиборсиз қолди.

Бунинг устига, жангари миллатчи амалпарастлар вазиятни кескинлаштиравердилар, қуролли отрядларни тузавердилар, йўлларни, аэропортларни тўсиб қўйишга киришдилар. Ҳарбий хизматчиларга, қурол-яроғ омборларига, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тез-тез ҳужум қилина бошлади.

Бундай ҳаракатлар: ур-йиқитлар, қотилликлар, ҳеч бир гуноҳсиз кишиларни ўз уйларидан республика ташқарисига ҳайдаб юбориш ҳоллари Бокуда айниқса фожиали тус олди.

Озарбайжондаги экстремист кучларнинг хатти-ҳаракатлари тобора ошкора равишда давлатга қарши, конституцияга қарши ва халққа қарши тус олаверди.

Бир қанча жойларда қонуний ҳокимият органлари зўравонлик билан ўз вазифаларини бажаришдан четлаштириб қўйилди, бошқарув структуралари бузилди.

Ўзлаб километрдаги давлат чегарасида инженерлик-техника иншоотлари вайрон қилинди. Республикада ҳокимиятни зўравонлик билан босиб олиш вазифаси мутлақо яширилгани ҳам йўқ.

Ортиқ бундай давом этиши мумкин эмас эди. Мамлакатда бегуноҳ қурбонларга чуқур ҳамдардлиқ билан бирга жиноий хатти-ҳаракатлардан, шафқатсиз зўравонлик, ваҳшийлик, қонунларни оёқ ости қилиш фактларидан қаҳр ва ғазаб кучайиб борди.

Совет кишилари мамлакат раҳбариятидан қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибни тиклаш, одамлар турмушининг хавфсизлигини таъминлаш юзасидан кескин чоралар кўришни асосли равишда талаб қилдилар.

СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан Бокуда фавқулодда ҳолат эълон қилинганини, шаҳарга Ички ишлар министрлигининг қўшинлари ва Совет Армиясининг бўлинмалари киритилганини биласизлар.

Улар энг муҳим объектларни ишғол қилдилар, давлат муассасаларини назорат остига олдилар, ур-йиқитчиларга қарши, тартибсизликларнинг ташкилотчилари ва гиж-гижловчиларига қарши кескин чоралар кўрилмоқда. Жиноятчи унсурлардан ўқ отиш қуроли ва ўқ-дори тортиб олинмоқда.

Минг афсуски, одамлар қурбон бўлди. Баъзи жойларда ҳарбий бўлинмаларни террорчилар ўқ отиб кутиб олдилар ва ҳарбий бўлинмалар қурол ишлатишга мажбур бўлдилар.

Бугун кимнингдир уйига кулфат тушди. Мен бу оилаларга энг самимий ҳамдардлигимни изҳор этаман.

Бокудаги, Озарбайжон ва Арманистоннинг чегара районларидаги, Кавказ ортининг бошқа районларидаги фожиали воқеалар миллатчиларча ҳаддан ошиш, муқаддас миллий туйғуларни рўкач қилиб, ундан фойдаланишга уриниш уларнинг оқибати нима бўлишини очиқ-ойдин кўрсатиб турибди. Одамларни кўркўрона нафратга, телбаларча биродаркушлик урушига судраш жиноятдир.

Давлатнинг бурчи — бедодликка ва ғайриинсонийликка чек қўйишдан, инсоний қиёфадан маҳрум бўлган, ўзларининг шахсий нафсониятлари, ғаразли мақсадлари, ҳокимиятга интилишлари йўлида бошқаларни қурбон қилишга тайёр турган экстремистларнинг жиноий хатти-ҳаракатлари пайини қатъият билан қирқишдан иборат.

Давлатнинг бурчи — одамларнинг тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлашдан, иккала республиканинг халқларига эркин, демократик ривожланиш, нормал меҳнат қилиш, осойишта яшаш, болаларни тарбиялаб ўстириш имкониятини яратиб беришдан иборат.

Совет Армияси билан ички қўшинларнинг солдат ва офицерлари СССР Конституциясини ва қонунни ҳимоя қилиш соҳасидаги ўз бурчларини бажармоқдалар.

Раҳбарият кўрилган чораларни мамлакатимизнинг барча халқлари тушуниб, қўллаб-қувватлашларига умид қилади.

Шу дамларда Озарбайжон ва Арманистоннинг барча гражданларини ақл-идрок ва мулоҳазакорлик кўрсатишга, ифвогарона шоирлар ва ҳаракатларга учмасликка чақираман. Барча алданганларни, чалғитилганларни ёки зўравонлик билан жиноий ҳаракатларга тортилганларни эс-ҳушини йиғиб олишга, ўйлаб кўриб, хатони тушунишга ва беҳуда ҳаракатларни бас қилишга чақираман.

Гражданларнинг тинчлигини тиклашга, зиммамизга тушган синовларни биргаликда бартараф этишга ҳаммангизнинг ҳар томонлама кўмаклашишларингизни сўрайман.

Мулоҳазакорлик ва масъулият тантана қилиб, устун бўлиб чиқишига ишончим комил.

Ҳозир бизга умуммиллий иноқлик, мустаҳкам ҳамкорлик, давлатимиз барча халқларининг яхшироқ турмуши йўлида бир-бирига кўмаклашиш ҳар қачонгидан ҳам зарурдир.

ГАЗЧИЛАР УЧУН

«Средазгазпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси газчиларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан мунтазам таъминлаш мақсадида Қашқадарё областидаги «Дружба — Уренгой — Шўртон» ёрдамчи хўжалигини ривожлантириш учун 15 миллион сўм ажратди.

Бу ерда 10 минг бош чўчқага мўлжалланган чўчқахона қурилиши бошлаб юборилди, колбаса ва дудлаш цехлари жиҳозланмоқда. 6 гектар майдонда теплица қурилиши, 630 мингта товуққа мўлжалланган паррандахона, 500 минг бош молга мўлжалланган молхона барпо этилиши, насос станцияси кенгайтирилиши режалаштирилмоқда. 5—6 йил мобайнида 2400 гектар ер ўзлаштирилади.

Хўжаликда содир бўлаётган ўзгаришларни газ саноати ходимлари дарҳол ҳис этишди. Гўшт ва сут, «ўз томорқаларида» етиштирилган сабзавот ва мева билан таъминлаш анча яхшиланди.

ИҚТИСОДИЁТНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШ, ОДАМЛАР ТУРМУШИНИ ЯХШИЛАШ—ШУ КУННИНГ ВАЗИФАСИ

ШАҲАР ПАРТИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛЛАРИ ЙИҒИЛИШИДАН

Илгари хабар берганимиздек, республикамиз пойтахтида шаҳар партия-хўжалик фаолларининг йиғилиши бўлган эди. Унда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг «Тошкент аҳолисининг ҳаёт таъминотини тубдан яхшилаш ва шаҳарнинг тарихий районларини таъмирлашни жадаллаштириш юзасидан 1991—1995 йилларга мўлжалланган биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини бажариш соҳасида партия, совет ва хўжалик органларининг вазифалари муҳокама қилинганди.

Йиғилишда Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. И. Фозилбеков доклад қилди.

Йиғилишда иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш жиҳатидан, одамларнинг турмуш шароитларини яхшилаш жиҳатидан сезиларли ўзгаришларга эришиш энг муҳим вазифа эканлиги ҳақида гапирилди. Қабул қилинган қарор мавжуд муаммоларни тўла-тўкис ҳал этишга қаратилган. Ўн учинчи беш йилликка мўлжалланган мазкур ҳужжатнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у бир йил аввал кучга киркмоқда. Бу эса келажакдаги ишларимизга муайян шарт-шароит яратади.

Йиғилишда ҳозирги Тошкент фақат Ўзбекистон пойтахтигина эмас, айни вақтда мамлакатимизнинг энг йирик саноат, илм-фан ва маданият марказларидан бири эканлиги таъкидланди. Бироқ шаҳримиз уй-жой, касалхоналардаги ўринлар, савдо майдонлари билан таъминланиш жиҳатидан мамлакатдаги бошқа энг катта шаҳарлардан анча орқада қолмоқда. Ўзбекистон пойтахтининг ривожланишига тўсқинлик қилаётган жиддий омиллардан бири аҳолининг сунъий равишда кўпайишидир. Шаҳар аҳолиси бир йилда ўрта ҳисобда 20—25 минг кишига кўпаймоқда. Бугун тошкентликларнинг 72 минг оиласи уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлиб турибди. Шу сабабдан қарорда уй-жой қурилишига биринчи даражали аҳамият берилган. Уй-жой қурилишини 1,5 баравар, якка тартибда ва хўжалик усули билан бунёд этилаётган уй-жойларни деярли икки баравар кўпайтириш назарда тутилган. Шаҳарнинг тарихан таркиб топган районларини таъмирлашга, у ерда яшаётган аҳолининг ҳаёт-таъминотини тубдан яхшилашга алоҳида эътибор берилади. Экологик муҳитни яхшилаш, ҳавога зарарли чиқиндиларнинг чиқишини камайтириш мақсадида шаҳардан ташқарига кўчирилиши лозим бўлган корхоналар, муассасалар ва объектлар рўйхати белгиланди. Бу ер участкаларини бўшатиб олиш имконини беради. У ерларда ижтимоий-маданий йўналишдаги объектлар билан бирга тўла-тўкис равишда уй-жой қурилиши авж олдирилади.

Транспорт хизматидаги тангликни камайтириш мақсадида 34 километр узунликда трамвай, 74 километр узунликда троллейбус йўлларини қуриш мўлжалланмоқда, автобуслар сони 300 та кўпаяди. Метрополитенда йўловчиларни ташиш ортади. Юнусобод йўлида 3 та янги бекат ишга туширилиши билан бир йилда ташиладиган йўловчилар сони 170 миллион кишига етади.

(Давоми учинчи бетда).

И. А. КАРИМОВ нутқи

Ўртоқлар, фаолларнинг бугунги йиғилишида Тошкентнинг бугунги куни, келажаги қандай бўлиши кераклиги, унинг истиқболда қандай ривожланиши лозимлиги ҳақида талабчанлик, чинакамига қаттиққўллик билан жуда таниқидий гаплар айтилди, десам, ҳамманинг фикрини ифодалаган бўламан, деб ўйлайман. Қуруқ гап-сўзлар бўлмаганлиги ҳамда ўткир масалалар ва шаҳарнинг муаммолари четлаб ўтилмаганлиги жуда соз. Докладда ҳам, нутқларда ҳам биз Тошкентнинг шуҳратини оширишимиз, ҳар бир хонадон ва ҳар бир маҳаллада, ҳар бир корхона ва ташкилотда, катта ва кичик ҳар бир кўчада тартиб ўрнатишимиз мумкин ва лозим, деган фикр сезилиб турди. Хуллас, Тошкентни юксак маданият шаҳрига айлантиришимиз керак, замондошларимизгина эмас, фарзандларимиз ва набираларимиз ҳам у билан ҳақли равишда фахрланадиган бўлсинлар. Ҳозир ҳам биз кўҳна Тошкент билан, унинг тарихи, маданияти билан, унинг ажойиб ўтмиши билан фахрланамиз.

Ўтмишсиз келажак ҳам бўлмаслиги азалдан маълум. Тошкентнинг ҳақиқатан ҳам ажойиб ўтмиши бор. У — Ер юзидаги энг қадимий шаҳарлардан бири. Унинг тарихи — жаҳон тарихининг бир қисми. Бу тарих ўзбек халқиниггина эмас, Ўрта Осиёдаги бошқа халқларнинг ҳам кўп асрлик моддий ва маънавий маданияти бор бисотини ўзига сингдириб олган. Буюк ипак йўли Тошкент орқали ўтган. Ўшанда, қадим замонларда ҳам шаҳар йирик ҳунармандчилик, савдо ва маданият маркази бўлган, Шарқ билан Ғарбни боғлайдиган бамисоли бир кўприк бўлган.

Тошкент ўзининг 12 та дарвозаси билан Шарқда жуда машҳур бўлган. Кумас, Қашқар, Қўқон, Камолон каби дарвозалар қаерда бўлганини пойтахтда яшовчи ҳозирги кишиларнинг кўплари билишмайди... Шайҳантовур ансамбли, Бароқхон, Қаффол Шоший, Кўкалдош мадрасалари ва бошқа обидалар Тошкентнинг кўрки ва ифтихори бўлиб келган. Улар Тошкент тарихининг жонли гувоҳларигина эмас, бебаҳо маданий ва меъморий ёдгорликлар ҳамдир.

Ўзбек халқининг атоқли намояндаларидан Акмал Икромов, Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом, Аброр Ҳидоятов, Маннон Уйғур, Шукур Бурхонов, Карим Зокировлар Тошкентда яшаб, ижод этганлар. Мана шу ва бошқа номлар мамлакатда, ҳатто бутун дунёда ҳам машҳур. Кўчалар, мактаблар, муассасаларга уларнинг номлари қўйилган.

Шу билан бирга бутун дунёга республиканинг донгини таратган кўпгина тошкентликлар ҳали ўз она шаҳрида тан олинишини кутиб турибдилар. Кўпгина кўчаларимизнинг қиёфаси хунук, шаҳар ижроия комитети, район ижроия комитети эса уларни ободонлаштириб, номларини ўзгартиришга, машҳур тошкентликларнинг номини муносиб равишда абадийлаштиришга унчалик шошилмаяптилар.

Илм-фан ва санъат шаҳри, меҳнаткаш шаҳар, шонли революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари шаҳри, байналмилалчи шаҳар, халқаро конференция ва кенгашлар, турли-туман анжуман ва симпозиумлар ўтказилиб турган шаҳар — бугунги Тошкент турли авлодларга мансуб миллион-миллион кишиларнинг меҳнати билан бунёдга келган.

Модомики, шундай экан, сиз билан биз, Тошкентда яшаб ишлашга мушарраф бўлган кишилар уни янада равнақ топтириш, унинг ташқи қиёфасини, архитектурасини, ободончилигини, аҳолининг турмуш фаолиятини таъминлашни яхшилаш учун имкони бўлган ҳамма ишни қилишимиз ҳам қарз, ҳам фарз.

Биз Тошкентнинг аввалги улуғворлигини шунчаки қайта тиклаб қолмай, уни янада оширишимиз керак. Бу — бизнинг энг зарур иқтисодий, ижтимоий вазифамизнинг тахтигина эмас, айни вақтда мамлакатимизнинг энг йирик саноат, илм-фан ва маданият марказларидан бири эканлиги таъкидланди. Бироқ шаҳримиз уй-жой, касалхоналардаги ўринлар, савдо майдонлари билан таъминланиш жиҳатидан мамлакатдаги бошқа энг катта шаҳарлардан анча орқада қолмоқда. Ўзбекистон пойтахтининг ривожланишига тўсқинлик қилаётган жиддий омиллардан бири аҳолининг сунъий равишда кўпайишидир. Шаҳар аҳолиси бир йилда ўрта ҳисобда 20—25 минг кишига кўпаймоқда. Бугун тошкентликларнинг 72 минг оиласи уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлиб турибди. Шу сабабдан одамлар турмушининг асосий соҳаларига ўзининг тез таъсирини ўтказадиган бўлсин. Неча ўн йиллар давомида йиғилиб қолган муаммоларни бир варакайига ҳал қилиб бўлмайди, албатта. Аммо ҳозирнинг ўзидаёқ амалий силжишларга эришмоқ керак. Иккинчидан, шаҳарни олис истиқболда ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларини тўғри белгилаб олиш зарур. Чунки мана шундай умумий стратегик плансиз жузъий масалаларни муваффақиятли ҳал этиб бўлмайди. Бениҳоя мураккаб ва баҳайбат шаҳар хўжалигида йўл қўйилган хатолар эса унда яшовчи аҳолининг бутун-бутун авлодларига жуда қимматга тушаётганини тажриба кўрсатиб турибди.

Шундай қилиб, гап тез самара бера оладиган оператив соҳада ҳам, шунингдек шаҳарнинг келажаги учун, ундаги аҳолининг келажаги учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган узоқ муддатли соҳада ҳам хилма-хил ва айни вақтда бир-бири билан боғлиқ тадбирларнинг бутун бир мажмуи ҳақида бормоқда. Бу масалада одамлар ҳозир яхши яшаши учун имкони борича ҳамма ишларни қилиш, айни вақтда келгуси ўн ва юз йилларни ўйлаб иш тутиш лозим.

Хўш, шаҳримизнинг ҳозирги аҳволи қандай, унинг аҳолисига нималар ёқмаяпти, қайси муаммоларни зудлик билан ҳал қилиш ва қайси масалаларни истиқболни кўзлаб режа тузиш, энг муҳим йўналишларни танлаб олиш керак?

Ҳозирги Тошкент — республикамизнинггина эмас, мамлакат бутун жанубининг ҳам жуда йирик саноат, индустриал, илмий ва маданий марказидир. Бу қонуний ҳолдир. Шонли ишчи анъаналарига эга бўлган шаҳар, энг малакали ишчилар ва инженер-техник кадрлар етишиб чиққан шаҳар, халқимиз зиёлиларининг гули тўпланган шаҳар фан-техника тараққиётини ривожлантиришда, кўп меҳнат ва илм-фан ютуқларидан фойдаланиш талаб қилинадиган замонавий янги ишлаб чиқаришларни ўзлаштиришда ташаббускор бўлиши, бутун республиканинг келажак йўлини очиб бориши лозим.

Бироқ муаммо шундан иборатки, ўтмишдаги кўпгина раҳбарларнинг ўзбилармонлиги, пухта ўйлаб иш тутмаслиги, масъулиятсизлиги, уларнинг одамлар тақдирига ва ўз халқининг келажагига бефарқлиги оқибатида шаҳарнинг ишлаб чиқариш структурасини шакллантиришда қўпол хатоларга йўл қўйилдики, бу хатолар тобора кўпайиб бораверди. Республика, область ва шаҳарнинг партия, совет, хўжалик органлари ишлаб чиқариш қувватларини зўр бериб кўпайтириш, янги, техникавий жиҳатдан тобора мураккаб ишлаб чиқаришларни ўзлаштириш билан айни бир вақтда туб аҳоли ва аввало маҳаллий миллат орасидан ишлаб чиқариш ҳамда ва инженер-техник кадрларни илдам тайёрлашга эътибор бермадилар. Натижада ўз меҳнат ресурсларимиз ортиқчалиги салкам 200 минг кишига етишига қарамай, янги ишлаб чиқаришларнинг меҳнат коллективларини шакллантириш учун областдан ва республикадан ташқари жойлардан 125 мингга яқин ишчи ва мутахассис жалб этилди.

Кўпгина йирик корхоналар ва комплекслар демография ва экология вазиятини ҳисобга олмай қурилди — кўп меҳнат талаб қиладиган ишлаб чиқаришлар эмас, балки кўп фонд талаб қиладиган ишлаб чиқаришлар, зарарли чиқитлари ва оқиндилари салмоги кўп бўлган ишлаб чиқаришлар барпо этилди. Пойтахт аҳолисининг табиий-иқтисодий шароитларига ва ижтимоий-экологик манфаатларига хилоф равишда шаҳарда ўнлаб ишлаб чиқариш объектлари барпо қилинди. Ҳозир Тошкентда шаҳар аҳолисига бирон-бир нарса бериш бир ёқда турсин, унга катта зиён етказаётган 70 тадан кўпроқ корхона, омбор, базалар жойлаштирилган.

(Давоми иккинчи бетда).

КПСС Марказий Комитетида фикрлашув

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев 20 январь куни Озарбайжон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолари А. Н. Муталибов, Г. А. Гасанов, М. Р. Мамедов, В. П. Поляничко билан учрашди. Учрашув чоғида республикада юзага келган вазият тўғрисида батафсил фикрлашиб олинди. Республика турмушини тезроқ изга солиш, бошқарув структуралари ва меҳнат маромини тиклаш йўллари муҳокама қилинди.

Учрашувда Н. И. Рижков, Л. Н. Зайков, В. А. Крючков, В. А. Медведев, А. Н. Яковлев, А. И. Лукьянов, Г. П. Разумовский қатнашдилар.

(ТАСС).

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР

Қўшкўпир районидаги «Иттифоқ» ва Охунбобоев номли колхозларда меҳнат қилувчи сайловчиларнинг 458-Охунбобоев сайлов округидан Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси М. М. Мирқосимов билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда регионни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, қишлоқ меҳнаткашлари меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш муаммолари хусусида сўз юритилди. Яқин вақт ичидаёқ Қўшкўпирда унча катта бўлмаган енгил ва тўқимачилик саноати корхоналари қуришни бошлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш программасини тезроқ амалга ошириш лозимлиги таъкидланди. Пахта, пилла, бошқа маҳсулотларнинг харид нархларини тартибга солиш масалаларига катта эътибор берилди.

Бошқа ҳал этилмаган муаммолар ҳақида ҳам гап борди. «Иттифоқ» ва Охунбобоев номли колхозларда ҳалигача бирор километр ҳам асфальт ётқизилган йўл, бирорта ҳам типовой мактаб, болалар боғчаси, ферма йўқ. Хўжаликларда оддий ичимлик сув жуда танқис бўлиб қолди. Қўшкўпир орқали магистрал газ қувурлари ўтказилганлигига қарамай, бу ерда табиий газ ҳам йўқ.

Учрашувда Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари Р. М. Худойберганова сўзга чиқди.

Қўшкўпир районидаги Ленин номли, «Ленинград», Калинин номли колхозларда ҳам сайловчиларнинг Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод М. М. Мирқосимов билан учрашувлари бўлиб ўтди.

(ЎзТАГ).

И. А. КАРИМОВ нутқи

(Давоми. Бошы биринчи бетда).

Энг ачинарлиси шуки, биз шаҳарнинг ижтимоий инфраструктурасини барпо этишда қолдиқ принципига шу пайтгача ҳам барҳам берганимиз йўқ. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, Тошкент шаҳрини ижтимоий жиҳатдан ободонлаштириш учун ҳар бир ходим ҳисобига унинг оиласи ва социал-маданий-маиший тўла таъминланишини эътиборга олганда (уй-жой, касалхона ва поликлиника, болалар боғчаси ва мактаблар, шаҳар транспорти, савдо ва маданий-маиший хизмат ва ҳоказолар учун) 20 минг сўм сарфланиши керак. Демак, министрлик ёки идора бўлғуси корхонанинг қурилиш майдончасига биринчи қозиқни қоқишдан аввал шу мақсадлар учун қилинадиган ҳамма чиқимларни қоплайдиган миқдордаги пулни шаҳар ижроқоми ҳисобига ўтказиб қўйиши керак. Аммо тегишли иттифоқ идоралари шу мақсадлар учун қилинадиган чиқимларнинг кўп қисмини қоплаганлари йўқ, бунинг учун улардан ҳеч ким тузукроқ талаб ҳам қилгани йўқ.

Бунинг устига, кейинги беш йилликлар мобайнида ижтимоий соҳанинг зарарига ишлаб чиқариш қурилиши учун капитал маблағлар улушини қўпайтиришдек зарарли тенденция сезилмоқда. Бу ҳол тузумимизнинг ижтимоий устун жиҳатларига, одамларнинг манфаатларига, жамиятимиздаги бош омил бўлмиш инсон омилига зиддир.

Бу — ҳаммамизга алам қиладиган қулфатдир. Бу собиқ ва ҳозирги раҳбарларнинг тошкентликлар олдидаги, бутун халқ олдидаги бевосита айбидир. Пойтахтда қанчадан-қанча министрлар, депутатлар, Марказий Комитетнинг аъзолари бор, шу залнинг ўзида қанчадан-қанча мансабдор шахслар ўтиришибди. Модомики шундай экан, одамлар биздан: хўш, илгари қаерда эдингиз, бундай расвогарчиликка нега йўл қўйдингиз? Нега Тошкентнинг қиёфасини хатарли равишда бузишгача, уни беўхшов ва ҳатто одамларнинг яшаши учун ноқулай ҳолга келтириб қўйишга йўл қўйдингиз? — деб сўрашга ҳақлидирлар. Биз ҳақиқий турмушнинг ўзидан келиб чиққан мана шу қийин саволларга тўппа-тўғри ва ҳалол жавоб қайтаришимиз керак. Энг муҳими эса, халқ манфаатларига зид бўлган мана шундай сарқитни жуда қатъият билан, жуда шафқатсизлик билан, бутун кучни сарфлаб, зўр бериб тугатишимиз лозим.

Марказий Комитетнинг «Тошкент шаҳри аҳолисининг ҳаёт таъминотини тубдан яхшилаш ва шаҳарнинг тарихий районларини таъмирлашни жадаллаштириш юзасидан 1991—1995 йилларга мўлжалланган биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори айни шу мақсадга қаратилган. Илгари одамларнинг ҳаётий манфаатларига дахлдор муҳим масалалар ҳаммадан пинҳон тутилиб танёрланар ва қабул қилинар эди, жамоатчилик фикри эса ҳисобга олиниши бир ёқда турсин, ҳатто бутунлай писанд қилинмас эди. Ўша яроқсиз одатдан фарқли ўлароқ, бу ҳужжат мутахассислар, олимлар, маҳаллаларнинг фаоллари билан биргаликда, матбуотда батафсил муҳокама қилинди. Шу сабабли унинг мазмунини гапириб ўтиришимга ҳожат йўқ. Фақат баъзи бир принципиал масалаларга тўхталиб ўтаман.

Биринчидан, Тошкентда ишлаб чиқариш қурилишини кескин қисқартириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Фақат истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган ёки аҳолига хизмат кўрсатадиган корхона ва ташкилотлар учунгина истисно қилиниши кўзда тутилган. Аммо бундай ҳолларда ҳам Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Президиумининг махсус қарори талаб қилинади. Шу пайтгача барпо этилган ва ишлаб турган объектларни ҳам суриштириб кўришимиз, уларда тартиб ўрнатишимиз керак. Шаҳарга керак бўлмаган, унга зиён етказаётган корхоналар, ташкилотлар, базалар ва омборларни ёпиш, соҳасини ўзгартириш ва Тошкент, эҳтимолки область ташқарисига кўчириш кўзда тутилмоқда. Аҳолининг механик тарзда кўпайишини тўхтатиш учун шаҳарда прописка қилиш чекланади. Зарур ҳолатларда унга Тошкент шаҳар ижроия комитетининг фармойиши билангина йўл қўйилади. Фаоллар йиғилишининг қатнашчилари, шаҳарнинг кенг жамоатчилиги ноилож ликдан кўрилаётган, аммо мана шу зарур чораларга қўшилишларига аминман.

Иккинчидан, уй-жой қурилиши суръатларини камайтирмай, балки жадал ошириб, янги уй-жой мавзеларида ҳам, шунингдек шаҳарнинг Эски шаҳар қисмида ҳам уларнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиб, бутун ижтимоий инфраструктурани комплекс ривожлантиришга алоҳида эътибор берилиши лозим. Замонавий шаҳарда, айниқса Тошкент каби, азим шаҳарда яшаш шунчаки истиқомат қилишни билдирмайди. Ҳар бир оила учун алоҳида квартира ёки шахсий уй бўлиши зарур. Яқин ўн йил ичида бу вазифани тўла-тўкис ҳал этишга сабот билан интилаверамиз. Аммо шу билан бирга уй яқинида ҳовузи бўлган кўкаламзорлаштирилган мўъжаз болалар боғча ва яслилари, мактаб ҳамда кенг синфхоналари ва жиҳозланган кабинетлари бўлган ҳунар-техника билим юрти, транспорт йўллари ва чорраҳалар ёнида қулай жойлашган магазин ва савдо марказлари, бозорлар, маиший хизмат корхоналари, типовой поликлиника ва касалхоналар, маданият муассасалари, кинотеатрлар, кутубхоналар, оммавий истиқомат жойлари ҳам бўлиши зарур.

Ўртоқ А. И. Фозилбековнинг докладида ва ўртоқларнинг нутқларида аниқ-равшан рақамлар ва мисоллар айтиб ўтилди. Фақат шуни таъкидлайманки, яқин 2-3 йил ичида шаҳарда қурилиш улгурилмай қолган социал-маданий-маиший объектларни барпо этиш, келгусида эса нокомплекслик тушунчасининг ўзини истисно этиш керак. Шу йўл билангина биз йиғилиб қолган муаммоларни ҳал эта оламиз, бу муаммолар улғайиб кетмаслигига, янги муаммолар пайдо бўлмаслигига эришамиз. Бунинг учун планлаштирувчи, таъминотчи идоралар, лойиҳа ва қурилиш ташкилотлари, халқ депутатлари район ва шаҳар советлари шахсан жавобгардирлар. Партия органлари эса раҳбар коммунистлардан бунинг учун жуда қатъий жавоб талаб қилишлари керак, чунки одамларнинг ҳаёт таъминоти масалалари — ижтимоий ва иқтисодий масалалар бўлиб қолмай, аввало сиёсий масалалардир.

Шаҳарнинг меъморий қиёфасини, анъанавий турмуш тарзини ва маҳаллаларароалоқаларни сақлаб қолиб, унинг тарихан таркиб топган қисмини тубдан таъмирлаш ва ободонлаштириш — жуда муҳим вазифадир. Биз туб тошкентликлар олдида қарздормиз, уларнинг ота-боболари шаҳримизни бунёд этганлар, қурганлар ва ободонлаштирганлар, уларнинг ўғил-қизлари эса ҳаёт таъминотининг энг оддий шароитларидан ҳам маҳрум қилиб қўйилди. Октябрь, Собир Раҳимов, Киров районларидаги исталган ўзбек хонадонига кириниг, бу районларда 600 минг киши яшаб турибди, хонадонлар урушдан аввал қурилган бўлиб, шу қадар путурдан кетиб қолганки, уларни ремонт қилиб ҳам бўлмайди (бизда 2 миллион квадрат метрга яқин мана шундай уйлар бор). Бу хонадонларда марказий иситиш системаси, водопровод, газ ва канализация йўқ, икки-уч хонада бир неча оила яшаб турибди, киши бошига 2-3 квадрат метр уй тўғри келади. Агар Тошкентда ўрта ҳисобда киши бошига 14,2 квадрат метр уй тўғри келса, эски шаҳар қисмида бундан икки баравар кам. Қарийб 7 минг оила шундай яшамоқдаки, ҳар бир оила аъзосига салкам 5 метрдан камроқ саҳн тўғри келади. Бу — энг оддий ҳаёт таъминоти шартларига яқинлашмайди. Бу одамларнинг чидамлилиги, саховати ва мардлигига, шу қийинчиликларнинг ҳаммасига бардош бераётганлигига фақат таҳсин ўқимоқ керак.

Аҳволни жуда зудлик билан, жуда шошилинч тарзда тузатиб олиш керак. Қарорда бундай оилалар уй-жой билан навбатдан ташқари ва кечи билан 1992 йилгача таъминланиши кераклиги кўзда тутилган эди. Улуғ Ватан урушининг ногиронлари ва қатнашчиларига ҳамда уларга тенглаштирилган имтиёзлиларга, қаҳрамон оналарга ҳам шундай ёндашиш лозим. Уларнинг уй-жой шароитларини биринчи галда яхшилаш ҳақида район ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитети доимий ва жуда зўр ғамхўрлик қилишлари керак. Шаҳар, область, партия комитетлари ва марказий комитет ҳам мана шу жуда ўткир ижтимоий-сиёсий муаммонинг ҳал этилишини қаттиқ назорат қилиб туришлари зарур.

Шаҳарнинг тарихан таркиб топган эски қисми ҳақида батафсилроқ гапириладиган бўлса, биз туб тошкентликлардан бўлган қарзимизни тўлашимиз, уларга нисбатан иҳтимоий адолатни тиклашимиз кераклигини тўғридан-тўғри айтмоқ керак.

Аввало, шу районларнинг аҳолисига замонавий шароитларга монанд нормал уй-жой, маиший хизмат, ижтимоий соҳани яратиб беришимиз зарур. Бу муаммоларни жўн ва юзаки ҳал этиб бўлмайди.

Шаҳар аҳолиси эски районларни бузиб ташлаб, шу жойларда бир-бирига ўхшаш типовой микрорайонлар қурилаётганига қарши ҳаққоний эътироз билдирмоқда. Бундай микрорайонларни арзонроқ ва тезроқ қуриш мумкин, албатта, аммо бундай арзонлик ва тезлик шаҳар ва халқ учун ҳаддан ташқари қимматга тушмоқда. Шонли шаҳримизнинг тарихан таркиб топган ва бетакрор қиёфаси йўқолиб бормоқда, маҳаллаларнинг асрий алоқалари ва анъаналари барбод бўлмоқда. Биз бундай қила олмаймиз ва бундай қилишга ҳақимиз йўқ. Аксинча, эски шаҳар аҳолисининг, маҳалла жамоатчилигининг халқ меъморчилигини, ажойиб асрий яхши қўшничилик, ўзаро ёрдам, ободончилик муаммоларини биргаликда ҳал этиш анъаналарини сақлаб қолиш ва қўпайтириш муддаосини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш керак. Биз ўз территориясини ўз кучи билан обод қилиб, кўкаламзорлаштираётган, кексаларнинг дам олиши учун маҳалла марказлари ва чойхоналар, болалар учун майдончалар барпо этаётган маҳаллаларнинг аҳолисидан астойдил миннатдормиз.

Ўтмишнинг тарихий ва меъморчилик ёдгорликларини шаҳар муассасалари эмас, балки аҳоли ўз ташаббуси билан сақлаб қолаётганлиги маҳаллий маъмурлар учун, ҳаммамиз учун катта таъна-дир. Масалан, Чиғатой аҳолиси меъморчилигининг тарихий ва архитектура ёдгорлиги бўлган эски мачитни қайта тиклаб, бу соҳада ибрат кўрсатди. Жуда тўғри иш қилинди. Агар шундай ватанпарвар ва жонкуярлар бўлмаганида, биз ўтмишни аллақачон унутиб юборган бўлар эдик, ҳолбуки айрим кимсалар зўр бериб бизни ўтмишни унутишга даъват этмоқдалар. Яқинда ўзининг 2000 йиллигини нишонлаган шаҳар аҳолиси шаҳар ўз тарихини қаердан бошлаганини билмаслиги, унинг шонли кўп асрлик тараққиёти шоҳидлари бўлмиш архитектура даврлари қаерда сақланиб қолганини била олмаганликлари каби ғаройиб факт ҳаммамизга жуда катта таъна-дир. Ҳамма нарсани пул билан ўлчайдиган амалиётчилар пойтахтимизнинг юбилейи шарафига ёдгорлик тоши қўймоқчи бўлганликлари бизни оз бўлмаса уялтириб қўяй деди.

Ҳолбуки, ҳамма нарса ҳам бир лаҳзалик амалий манфаат билан ўлчанмайди. Шаҳар программасини амалга ошириш чоғида ўтмиш ёдгорликларини сақлаб қолиш ва таъмирлашга жуда эҳтиёткорлик ва меҳр-муҳаббат билан қараш керак.

Ҳозир шаҳарда республика ва маҳаллий аҳамиятга молик икки юзтадан кўпроқ меъморчилик ёдгорлиги бор. Мабодо биз улардан лоақал биттасини қўлдан берсак, авлодлар бизни кечирмайдилар. Шу муносабат билан Улуғбек даврига мансуб ёдгорлик — Занги ота мақбарасининг қисматини эслатиб ўтмоқчиман. Бутун дунё аҳли 1994 йилда Улуғбекнинг 500 йиллик юбилейини нишонлайди. Бир неча йил муқаддам таъмирлаш лойиҳасига кўра унинг равоқидаги тошлар битталаб кўчириб олинди, кошинлари тўдалаб уйиб қўйилди ва аста-секин ташиб кетила бошлади, ёдгорлик эса тикланмай қолиб кетди. Бундай ваҳшийликка тоқат қилиб бўлмайди. Шаҳарни ривожлантириш доирасида «маданий ва меъморчилик ёдгорликлари» деган программани ишлаб чиқиш, бунинг учун махсус жамоат фондини вужудга келтириш керак.

Эски шаҳарни ижтимоий жиҳатдан қайта қуришда анъаналарни сақлаб қолиш билан бирга қурилиш ва ободончиликнинг бутунлай янгича сифат даражасини таъминлаш йўли танлаб олинганлиги жуда тўғри бўлган. Шаҳарнинг тарихан таркиб топган районларида нормал уй-жой соҳасини замонавий фан-техника даражасида шакллантириш вазифаси қўйилган. Бу эса таъмирланадиган ҳар бир район аҳолисининг кўпчилик қисмини шу райондаги янги қуриладиган жойларга кўчириб жойлаштириш, таркиб топган ижтимоий-демографик структурани, маҳалла уй-жой тузилмаларини, кўп укладли оилаларни битта ҳовли теграсида жойлаштириш принципларини сақлаб қолиш имконини беради.

Шу районларда яшаб турган кишиларнинг интилишларини тушунмоқ керак, улар неча ўн йиллардан бери шу ерда яшайдилар ва истиқомат жойини ўзгартиргилари келмайди. Улар кўпинча янги квартиралар ажратишни эмас, мавжуд уй-жойни сақлаб қолишни, яшаш учун энг оддий қулайликларни яратиб беришни илтимос қиладилар. Оиланинг кам қаватли уй-жой биноларида яшаш тарзи, асрлар давомида синалган қулай маҳалла марказлари теварагида яшаш аҳолига маъқул. Биз жамоатчилик фикри билан ҳисоблашишга, халқ анъаналарини эҳтиёт қилиб асрашга мажбурмиз.

Ўртага қўйилган вазифа зудлик билан ҳал қилиниши керак. Тошкент шаҳар ижроия комитети ташкил этилган «Тошкент — тикланиш» давлат-кооператив қурилиш бирлашмасини тезроқ малакали кадрлар билан мустаҳкамлаши, зарур техника ва моддий ресурслар билан таъминлаши, шу тариқа шаҳарнинг тарихан таркиб топган районларини таъмирлаш ва қуриш, тажриба учун «Шаҳристон» маҳалласини барпо этиш юзасидан ўз зиммасига юклатилган вазифани бажаришга тезроқ киришишига имкон бериши зарур. Шу муносабат билан бу ерда Тошкент шаҳар маҳалла комитетлари мувофиқлаштириш кенгаши раисининг ўринбосари Шукур Темуров кўтариб чиққан масалалар диққат билан ўрганилиши керак, бу таклифларда жуда чуқур мазмун ва маъно бор.

Олдимизда катта вазифалар турибди, қилинадиган ишлар кўп. Шаҳар хўжалигининг ва қурилиш конвейерининг ҳамма бўғинларида жуда қаттиқ ва қатъий интизом — план, ижро, меҳнат интизоми йўлга қўйилган тақдирдагина бу вазифаларни уддалаш мумкин. Бунинг учун раҳбар коммунистлардан қаттиқ жавоб талаб қилинади. Энг муҳим иш — уй-жой қурилишидаги узилишлар бизда шундай интизом етишмаётганини кўрсатиб турибди. Ҳозирги беш йиллик бошланганидан буён бирон йилда ҳам шаҳарда уй-жой қурилишининг белгиланган ҳажмини бажарилгани йўқ. Уй-жой программасининг топшириқларигина эмас, уй-жойларни фойдаланиш учун топшириш йиллик планлари ҳам бажарилмаяпти. Тўрт йил мобайнида 514 минг квадрат метрдан кўпроқ уй-жой бинои қуриб битказилмади. Республика Олий Совети тасдиқлаб берган уй-жой программасига нисбатан эса 1,5 миллион квадрат метр уй-жой берилмади.

Бундаги асосий сабаблар — республика Госснаби моддий-техника таъминоти масалаларини қониқарсиз ҳал этганлигидан, Тошкент область ижроия комитети ер ажратиб бериш масаласини ўз вақтида ҳал этмаганлигидан, «Узбекэнерго» ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан иссиқлик таъминоти, энергия таъминоти манбаларини ривожлантиришда орқада қолинганлигидан, Ўзбекистон ССР Госплани капитал маблағларни ва моддий ресурсларни планлаштиришда коммунал тармоқ объектлари қурилишига ҳали ҳам қолган-қутган маблағларни бериш принципидан воз кечмаётганлигидан, «Главташкентстрой» ўзининг ишлаб чиқариш базасини ривожлантиришда орқада қолаётганлигидан иборат.

Аммо бу сабаблар қурилиш программасининг бажарилиши устидан назоратсизликка йўл қўйган Тошкент шаҳар партия комитетини, шаҳар ижроия комитетини, район партия ва ижроия комитетларини мутлақо оқлай олмайди.

Марказий Комитет шаҳар партия, совет ва қурилиш ташкилотлари ҳамда коммунал хўжалиги раҳбарларининг сайловолди программаларида ана шу барча саволларга чуқур асосланган, тўлиқ ва мукаммал жавоблар бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Вазифа ниҳоятда қаттиқ ва аниқ-равшан қилиб белгиланмоқда: йўл қўйилган қолоқлик ўрни тўлдирилсин, 1990 йилда илгари битмай қолган турар-жой бинолари ва социал-маданий-маиший объектлар фойдаланишга топширилсин ҳамда ижтимоий программасига мувофиқ янги марраларга — йилига 1,3-1,5 миллион квадрат метр уй-жой қуришдан иборат марраларга эришилсин. Бунга алоқадор барча кадрлар одамларни яшаш шароити билан таъминлаш учун шахсан масъулиятни ҳис этишлари ва улар мазкур вазифани ё ҳал этишлари, ёки бу ишдан кетишлари керак, деган оддий ҳақиқатни тушунишлари лозим. Биз кимнингдир билимсизлиги, ташаббуссизлиги туфайли одамларнинг қайта қуришга ишончига, партия, Совет ҳокимиятининг обрў-эътиборига путур етишига йўл қўя олмаймиз.

Биз қандай оператив ва истиқбол планларини ишлаб чиқмайлик, ана шу мақсадлар учун қандай қўшимча воситалар ва ресурслар ажратмайлик, агар уй-жойларни ҳисобга олиш ва тақсимлашда қаттиқ, сўзсиз амал қилинадиган тартиб ўрнатмасак, бу муаммони ҳал эта олмаймиз. Биз мазкур масалаларда иҳтимоий адолат бирор марта ҳам бузилишига йўл қўя олмаймиз ва бунга ҳаққимиз ҳам йўқ.

Текширув шуни кўрсатдики, Тошкентда 1990 йил бошида текшириб чиқилган етти мингдан ортиқ уй-жойларнинг деярли учдан - бир қисмида қонун-қоидани турли хилда бузиш ҳоллари аниқланган. 1700 дан ортиқ квартира бўшагани, салкам 160 квартира ўзбошимчалик билан эгаллаб олингани аниқланди. Айрим квартиралар узоқ вақт бўш турган.

Ана шу ва бошқа фактлар муҳтожларни уй-жой билан таъминлашдаги кескинликнинг юмшатилиши учун Советлар резервларга эга эканлигидан далолат беради. Гап энг аввало квартира эгаларининг аксарият қисми ортиқча турар-жой майдонига эга эканлиги тўғрисида бормоқда. Бугунги кунда шаҳар ижроия комитетида ортиқча уй-жой майдонлари тўғрисида аниқ ҳисоб-китоб йўқлигини дангал айтиш керак. Қўшимча квартира ҳақининг миқдори — йилига қарийб 700 минг сўм — чинакам ҳолатни акс эттирмайди. Бу шаҳардаги бутун турар-жой фондини пухта ҳужжатлаштириш зарурлигини яна бир бор тасдиқлайди. Мазкур жараён тегишли хизматлар томонидан депутатларнинг ва кенг жамоатчиликнинг фаол иштирокида амалга оширилиши керак.

Мени тўғри тушунишингизни сўрайман: биз ҳеч кимнинг манфаатларини, агар улар қонун асосида қондирилаётган бўлса, камситмоқчи эмасмиз. Лекин шаҳар маъмурлари давр руҳига амал қилиб, муросага келиш имкониятларини қидириб топишлари керак. Айтайлик, ҳар бир районнинг энг обод жойларида каттароқ уй-жой майдонига алмаштиришга мўлжалланган бир ва икки хонали яхшилаб пардозланган ва лойиҳалаштирилган квартиралари бўлган кам қаватли ғишт уйларни қуриш билан муросага келиш мумкин. Бу асосан кекса кишиларга тааллуқли бўлганлиги туфайли мазкур уйларда озиқ-овқат магазинларини ҳам, чоғроқ парҳез таомлар ошхонасини ҳам, Соғлиқни сақлаш министрлигининг социал таъминот бўлими билан биргаликда медицина пункти ва социал ёрдам хизматини ҳам жойлаштириш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Ўйлайманки, ушанда кам хонали квартираларга алмашиш жараёни мушкулликларсиз ўтган, шаҳар эса қўшимча равишда минглаб квадрат метр уй-жойга эга бўлур эди.

Ортиқча турар-жой майдонига имтиёзларнинг қонунийлиги муаммоси ҳам ана шу масала билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳозирги кунда шаҳарда 175 минг киши ана шундай имтиёзлардан фойдаланмоқда. Бунда ҳам биз ҳеч кимнинг қонуний ҳуқуқларини камситмоқчи эмасмиз. Халқ депутатлари съезднинг имтиёзлар комиссияси мезонларига амал қилиб, бундай имтиёзларни пухта кўриб чиқиш лозим: бунда суиистеъмолликлар ва бузилишлар йўқмикан. Шубҳасиз, мазкур масалалар жамоат фикрини ҳисобга олиб, шаҳарнинг ваколатли органлари томонидан кўриб чиқилиши даркор.

Ва ниҳоят ҳужжатлаштириш шунинг учун ҳам керакки, уй-жойларга табақалаштирилган тарзда ҳақ тўлашни — унинг қаерда жойлашганига, қурилиш типига, қулайликлари даражасига қараб ҳақ тўлашнинг жорий этилиши тўғрисидаги асосли таклифларни ишлаб чиқиш лозим.

Шаҳарнинг марказида ғишт уйда турувчилар Юнусобод ёки Сергелида панель уйларда турувчиларга қараганда уй ҳақини қимматроқ тўласалар адолатли бўларди деб ўйлайман. Мазкур масалаларни шаҳарнинг нуфузли совет идоралари узил-кесил ҳал этишлари керак. Лекин бу масалалар шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитети томонидан ўрганилиб, шу хусусда таклифлар ишлаб чиқилиши лозим.

Шаҳар хўжалиги бюджетини тўлдиришнинг яна бир манбаи ҳақида. Гап эгаллаб турилган давлат квартираларини сотиб олиш ҳуқуқи тўғрисида бормоқда. Ҳозирча бу тажриба шаҳарда жуда журъатсизлик билан жорий этилмоқда. Йил бошигача жами 546 минг сўмлик 102 та квартира сотилган. Ана шу маблағлар янги уй-жойларни қуришга сарфланади. Квартирани хусусий мулк қилиб, сотиб олишни истовчилар анча кўп. Дастлабки тажрибани ўрганиш, унинг асосида найрангбозлик ва суиистеъмолларга барҳам берувчи чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда шаҳар бюджетининг ана шу қўшимча манбаидан кенг фойдаланиш зарур.

Тошкент маъмурий марказининг меъморий шакллантирилиши янгича ёндошувларни тақозо этади. Бунда яхши ғоялар, ажойиб ижодий ечимлар оз эмас, ўтмишдаги ортиқчаликларга қарши кураш авж олдириб юборилган пайтда биз булардан уяла бошладик. Ҳолбуки, масалан, ғаройиб саройи, бениҳоя кенг майдони ва ўзбек халқининг қалбдан эзгулиги, беғаразлиги ва чинакам байналмиллалигининг тимсоли бўлган Шомаҳмудовлар оиласига қўйилган рамзий, содда ҳамда кишини тўлқинлантирувчи ёдгорлиги бўлган халқлар дўстлиги комплекси сингари ажойиб архитектура ансамбллари бизнинг умуммиллий, бойлигимиз-ку. Бундан биз фахрланишга ҳақлимиз. Бундай ёдгорликлар шаҳарда оз эмас.

Шу билан бирга шаҳарнинг Абай, Фурқат, Навоий, Ўзбекистон деб аталган марказий кўча ва проспектлари беш йилдан ортиқ вақтдан буён тугалланмаган, ярим хароба ҳолда туришига тоқат қилиб бўлмайди. Теварак-атрофда вайрона кулбалар ҳали кўп бўлган бир пайтда ЛКСМ Марказий Комитети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика кенгаши, коллектив фойдаланишдаги ҳисоб маркази, Горький номли театр биноларининг ва бошқаларнинг қимматга тушадиган дабдабали лойиҳалари керакми, деб баҳслашиш мумкин. Умуман табиий иқлим шароитини, зилзилабардошликни, турмуш ва уй-рўзғор анъанавий укладини ҳисобга олиб, шаҳарда осмонўпар қурилишлар ва бундай қурилишларнинг ҳажми мақсадга мувофиқлигини ўрганиш зарур. Бу мутахассисларнинг иши. Бироқ биноларга ва марказлар қурилишига неча ўн миллион сўм сарфлаб, улар қурилишини тўхтатиб қўйиб, вайрон бўлишга маҳкум этиш — бу бориб турган хўжасизлик, халқ пулларини шамолга совуришдир, деб қатъий айтиш мумкин.

Лойиҳа ечимлари танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқилгач бу ердаги ишлар яна йўлга қўйилиши керак. Модомики, гап архитектура маркази, неча асрларга етадиган қилиб қурилаётган ва ўзбек халқининг шаҳарсозликдаги ажойиб асрий анъаналарини давом эттириб, кўпайтираверишга қаратилган нарсалар тўғрисида бораётган экан, биз буни ана шу масъулиятли ишни олиб боришга даъват этилган биноқорлар, меъморлар, ҳайкалтарошларнинг истеъдоди ҳамда ижодий ёндошуви билан боғлаймиз.

Бунда ана шу муаммоларни ҳал этиш теварагига барча соғлом ва истеъдодли кучларни жипслаштириш, номи энг яхши меъморчилик ва шаҳарсозлик ечимлари лойиҳалари билан боғлиқ бўлган, Ўзбекистон пойтахтининг бугунги куни ва келажаги тўғрисида сидқидилдан қайғураётган кишиларнинг барчасини фаол меҳнатга қайтариш муҳимдир.

Шу ҳақда гапирар эканмиз, бугунги кунда ҳам ўзининг бепарволигини, ишни ташкил эта билмаслигини турғунлик йилларига тақаб, ўзини оқлашга уринаётган раҳбарлар ҳам борлигини таъкидлаш керак. Кейинги вақтда раҳбарлик лавозимига кўтарилган баъзи бировлар 10-15 йиллик фактларни кавлаштириб, ўз ўтмишдошларининг номини булғаб (улар кўпинча бу кишиларга жавоб беролмайдилар ёки ўзларини ҳимоя қила олмайдилар) албатта қоралашга интилиб, ўзларини қаҳрамон қилиб кўрсатишга, шу тариқа бугунги ишга садоқатларини намойиш қилишга уринмоқдалар. Ўйлайманки, бундай одамлар узоққа боролмайди. Раҳбарлик ҳуқуқини ҳар куни иш билан исботлаш керак. Мана қарийб 5 йилдирки қайта қуриш бормоқда. Бугунги кунда ишни бошқараётган кишилар ўзига топширилган участка учун жавоб беришлари керак.

Тошкент — студентлар шаҳри. Шунинг учун ҳам бу ерда бирорта ҳам муаммони ёшларнинг манфаатларини ҳисобга олмай, уларга ўқиш, баркамоллик ҳамда бўш вақтларини ўтказишлари учун барча шароитларни яратиб бермай ҳал этиб бўлмайди. Булар миллат келажаги, халқимиз келажагидир. Республикамизнинг бугунги ва эртанги тақдири ёш авлоднинг касб маҳорати, интеллектуал даражаси, маънавий тараққиёти, жисмоний соғломлигига боғлиқ. Ана шу мақсадлар йўлида биз тежашга на маънавий, истасангиз, на оталиқ ҳаққимиз йўқ, бу ҳақда биринчи марта гапирилаётгани йўқ ёшларни ўқитиш ва тарбиялаш учун маблағни, шу жумладан валютани ҳам аямаслик керак. Бир мунча истеъдодли йигит ва қизлар мамлакатимиз йирик илмий марказларида ва чет элларда таълим олиб, малака ошириш имконига эга бўлсинлар.

Аммо энг аввало болалар боғчасидан бошлаб олий мактабларимизда, техникумлар, ҳунар-техника билим юртларимизда, мактабларимизда барча зарур шароитни яратмоқ керак.

Кейинги вақтларда республика пойтахтидаги ўқув юртлари ва студентлар ётоқхоналарида етишмовчиликлар ҳамда муҳтожликлар тўғрисида кўп гаплар айтилди ва ёзилди. Такрорлаб ўтирмайман. Фақат мазкур масалаларда қолдиқ принципи айниқса зарарли эканини таъкидламоқчиман. Чунки бу принцип ҳар бир халқ учун энг қимматли нарсага — келажакка болта уради. Халқ таълими министрлигининг раҳбарлари, олий мактабларнинг ректорлари ҳар бир ўқув корпусида, ҳар бир ётоқхонада ўқиш ва дам олиш шароитлари учун шахсан жавобгардир.

Ўзбекистон Компартияси ўзининг сайловолди ҳаракат дастурида ёшлар соҳасини устун даражада ривожлантиришни таъминлашга халқ олдида ваъда берди. Биз эса ўз сўзимизнинг устидан чиқишимиз шарт. Чора-тадбирлар комплекси ишлаб чиқиб, амалга оширила бошланди. 49 та студентлар ётоқхонасида қарийб 4 миллион сўм сарфлаб капитал ремонт қилинди. Бу эса 1988 йилдагига нисбатан тўрт баравар кўпдир. Қатор олий мактабларда имтиёзли овқатланиш жорий этилди. Ётоқхоналар етишмаслиги туфайли хусусий квартираларда яшашга мажбур бўлаётган студентларга январь ойидан харажатларни қоплаш учун пул тўлана бошланди.

Аммо буларнинг ҳаммаси дастлабки қадамлар бўлиб, асосий муаммоларни ҳал этмайди. Халқ таълими бутун системасини ва унинг моддий базасини тубдан қайта қуриш талаб қилинади. Республика ҳукумати, Тошкент шаҳар ижроия комитети, Халқ таълими министрлиги ёшларни ўқиш, дам олиш, маданият ва спорт билан шуғулланиш учун зарур шароитлар билан таъминлайдиган тармоқ программасини ишлаб чиқсинлар. Компартия Марказий Комитети бу муаммони алоҳида назорат остига олади.

Катта шаҳар ҳаёти — бу фақат уй-жой ва социал-маданий-маиший объектлар, деган маънони билдирмайди. Бу мураккаб, кўп планли шаҳар хўжалигидир, одамларнинг яхши кайфияти ва саломатлиги унинг аниқ-пухта ва бир маромда ишлашига боғлиқ.

Шаҳарнинг коммунал инфраструктураси кўп йиллар мобайнида қолдиқ принципи асосида шаклланди. Янги қудратли корхоналар, янги уй-жой кварталлари ишлаб турган инженерлик коммуникациялари, энергия, иссиқлик сув, газ таъминоти манбалари, мавжуд канализация ва транспорт тармоқларини кенгайтирмай туриб қурилаверди. Шаҳар маъмурларининг бепарволигидан ҳар бир киши шаҳар хўжалигига камроқ ҳисса қўшиб, ўзининг маҳкамачилик манфаатлари йўлида кўпроқ «юлиб қолишга» интилади.

Бундай талон-тарожлик натижасида шаҳарнинг асосий ҳаётий манбалари энергия инқирози ёқасига келиб қолди. Узилишларга йўл қўймаслик учун фавқулодда чора-тадбирлар кўриш лозим. Шунинг учун ҳам Министрлар Совети,, Давлат план комитети, тегишли министрликлар ва идоралар қабул қилинган қарорни шаҳар хўжалигини тубдан таъмирлашга қаратилган катта тадбирлар билан шошилинч тартибда тўлдиришлари, ҳар қандай тасодифларга барҳам бериш мақсадида мустаҳкам асосларни ва манбаларни яратишлари зарур.

Республика Давлат план комитети ва Молия министрлиги томонидан шаҳарни ўз вақтида материаллар ва пул билан таъминлаш ҳамда ремонт-қурилиш ташкилотларини машина ва механизмлар билан жиҳозлаш масаласига доимо эътибор қаратилиши лозим.

Транспорт хизмати ва йўл қурилиши энг танг жойлардан биридир. Ёғиб ўтган қорлар шуни кўрсатдики, биздаги транспорт оқими томирда қон қуйилиб қолганидек, унинг нормал ишлашини таъминламаяпти. Транспорт хизматлари ва йўл қурилиши тубдан таъмирланиб, янгиланиши керак. Аммо тирноқни этдан ажратиб бўлмайди. Бу айниқса Эски шаҳар қисмига тааллуқлидир. Бу ерда таркиб топган уйлар жойлашишини ва асосий кўчалар йўналишини сақлаб қолиш зарур. Ана шу ва бошқа масалаларда бирорта ҳам қарор маҳалла комитетларининг фикри ва розилигини инобатга олмай қабул қилинмаслиги керак.

Кескин тус олган экология муаммосини ҳал этишда жамоатчиликнинг роли янада ошиб бормоқда. У шаҳар нормал ичимлик суви ва соф ҳаводан маҳрум бўлиши мумкин, деб тўғри бонг урмоқда.

Чирчиқда жуда катта химия комплекси қурилиши тўғрисида хато қарор қабул қилиниши ўнглаб бўлмас зарар келтирмоқда. Бу билан шаҳар ҳавосини ўзимиз булғамоқдамиз.

Бу масалаларни ҳал этиш, ҳал этганда ҳам тубдан ҳал этиш зарур. Бу ерда чала тадбирлар ярамайди. Сув ва ҳаво ҳавзаларини булғовчи асосий иншоотларни шаҳарнинг турар-жой зоналаридан ташқарига олиб чиқиб кетиш тўғрисида қарорда белгиланган чора-тадбирларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш зарур. Чармўйна заводи, СССР Рангли металлургия министрлигининг металлга дастлабки ишлов берадиган ва иккиламчи алюминий эритадиган цехи, айрим автомобиль корхоналари ва базалар шулар жумласидандир. Табиатни муҳофаза қилувчи, санитария хизматлари шаҳардаги барча корхоналарни экология жиҳатидан ҳужжатлаштириш, тозалаш ва биқиқ, чиқитсиз технологияларга доир мукаммал чора-тадбирларни аниқлаш, тегишли протоколлар муддатини белгилаш ва имзолаш ишларини янада кенгроқ олиб боришлари лозим. Қабул қилинган мажбуриятларни бажармаган тақдирда бундай корхоналар сўзсиз тўхтатилиб, ёпиб қўйилади ва бошқа ихтисосга ўтказилади. Авиация бирлашмасининг зарарли оқавалари метрога тушиб, «Чкалов» станциясини икки ойча ишдан чиқарган каби ҳолларга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Биз одамлар саломатлигини, болаларимизнинг келажагини хавф остида қолдиришга ҳаққимиз йўқ. Ш

И. А. КАРИМОВ нутқи

(Давоми. Боши биринчи ва иккинчи бетларда).

участка олиш учун берилган аризаларнинг ҳаммаси шу йил қондирилиши керак. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети Тошкент бўйича биргаликда қабул қилган қарорда белгиланган тадбирлар ҳар жиҳатдан тўла-тўкис ва кенг кўламли бўлиши билан бирга, улар молиявий ва моддий-техник таъминот жиҳатдан ҳам принципиал янги ёндашувлар билан фарқ қилади. Илгари аввал беш йиллик ва йиллик планлар тасдиқланар, кейинчалик эса қимга нима қолган бўлса, ўшани олади, деган қолдиқ принципига кўра, регионлар ва программаларга ўша планларда белгиланган ресурслар тақсимланар эди. Биз илгариги бундай усулдан воз кечдик.

Мазкур ҳолда биз бошқачароқ позициялардан ёндашдик. Мутахассислар ва жамоатчиликни жалб этиб, «фарёд кўтараётган» шаҳарларнинг муаммолари ва эҳтиёжларини ўрганиб таҳлил этдик, дарҳақиқат бу муаммоларни ҳал этишни нари суриб қўйиш мумкин эмас ва бу муаммоларни чалакамчатти, ямоқни ямагандек эмас, балки ўн йилликлар, асрларни мўлжаллаб тубдан, асосли тарзда ҳал этиш керак. Пойтахтимизнинг келажаги олдидаги бурч ва масъулиятимиз шунга ундайди. Бутун республика аҳли шундай ёндашувни қўллаб-қувватлашига ва белгиланган программани амалга оширишда жуда фаол қатнашишига аминман. Ўзбекистоннинг ҳар бир граждани Тошкентни ўйлаб, юраги ачишса, ўз пойтахти ҳақида ғамхўрлик қилса, она шаҳримиз билан фахрланса, пойтахтимизни бутун халқимиз, бутун республикамизнинг кўркамлиги ва ақл-идрокининг рамзига айлантиришни чин кўнгилдан истаса— ана шундагина бу иш муваффақиятли якунланади.

Бу ҳукумат, Давлат план комитети, Моддий-техника таъминоти давлат комитети, барча министрликлар ва идоралар зиммасига, область ва шаҳар партия ва совет органлари зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Улар шаҳарни тубдан қайта қуришни таъминлаш учун барча молиявий ва моддий-техника ресурсларини қидириб топишлари шарт.

Аввало, қурилишнинг моддий-техника базасини жадал мустаҳкамлаш талаб этилади. Хатога йўл қўйиб, «Главташкентстрой» ва бинокорлик материаллари саноати министрлигининг ўзбошимчалик билан тугатиб юборилиши оқибатларини шу яқин орада бартараф этиш керак.

Биз бош бошқарма ва министрликни шунчаки қайта тикламасдан, балки уларни сифат жиҳатдан янги даражада қайтадан барпо этмоқдамиз. Янги «Главташкентстрой» шу йилиёқ йирик панелли ва ҳажм-блокли уйсозлик қувватларини 1,5-2 баравар ошириши, монолит ва қурилишбоп ғишт ишлаб чиқариш ҳажмларини кўп маротаба кенгайтириши керак. Барча қурилиш ташкилотлари зудлик билан ўзларининг ишлаб чиқариш базаларини мустаҳкамлашлари, янги тузилган «Тошкент тикланиш» бирлашмаси эса халқ усталарини бирлаштириш, хўжалик шартномалари асосида халқ ҳунармандчилиги, уй-жой ремонти кооперативларини ва шунга ўхшаш кооперативларни жалб этиши керак.

Шаҳарнинг партия, совет органлари, савдо ташкилотлари қурувчилар ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилишлари, уларнинг обрўсини кўтаришлари, улар меҳнати учун барча шарт-шароитларни яратишлари керак.

Тошкент шаҳри меҳнаткашларининг тиримчилигини тубдан яхшилаш ва шаҳарнинг тарихан таркиб топган қисмини таъмирлашни қайта қуришнинг, республикада йиғилиб қолган муаммоларни ҳал қилишнинг конкрет муҳим йўналишларидан бири деб қараш лозим бўлади. Ўзбекистон Компартияси ҳозир шу муаммоларни ҳал этиш устида қунт билан иш олиб бормоқда.

Ҳозир қайта қуриш жуда қийин, ҳал этувчи даврга кирди. Жамиятимиздаги илгари пинҳон бўлиб турган зиддиятлар кескинлашди. Кучлар ўртасидаги зиддият авж олди. Литва Компартиясининг XX съездида КПССдан ажралиб чиқиш тўғрисида ақл бовар қилмайдиган қарор қабул қилинди. Закавказьедаги миллатлараро тўқнашувлар фавқулодда тус олди.

Қайта қуришни бошлаганимизда, биз олган ишонч ёрлиғининг муддати тугаб қолди. Ҳадеб ўтмишни танқид қилавериш даври, умумий ваъдалар бериш даври ўтиб кетмоқда. Амалий ишлар керак, ҳар бир киши ўз оиласи, қариндош-уруғлари тимсолида тирикчилиги енгиллашаётганини ҳис этиш учун биринчи қадамлар, кичикроқ бўлса ҳам, аммо конкрет натижалар зарур. Бугун қайта қуришнинг тақдири, кўп миллатли давлатимизнинг яхлитлиги, социализмнинг тарихий тақдири худди ана шунга боғлиқдир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республикадаги ишлар аҳволини таҳлил этишга, ўз фаолиятига талабчанлик билан, ўзўзини танқид руҳида баҳо беришга, партияни қайта қуриш юзасидан янги таг-заминли таклифларни ишлаб чиқишга ҳамда КПССнинг XXVIII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездига тайёргарлик кўришга худди ана шундай позициялардан ёндашмоқда.

Қабул қилинаётган тадбирларнинг энг муҳимларидан бири-томорқа ва якка тартибда уй-жой қуриш майдонларининг кўпайиб бораётганидир. Бу қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш шароитларини яхшилашнинг кўпгина масалаларини комплекс ҳал этишга қаратилгандир. Биз бу борада белгилаб қўйилган режаларнинг амалга оширилишини партиявий йўл билан алоҳида назорат қилиб турибмиз ва янги йилнинг биринчи кунларидаёқ барча областларда бу режа қандай бажарилаётганлигини текшириб чиқдик ҳамда шу режа йўлидаги кўпгина тўғаноқларни олиб ташладик. Компартия сайловолди ҳаракат дастурида ўз зиммасига олган бошқа мажбуриятлар ҳам бажариляпти. Масалан, неча йиллардан буён халқ маорифи ва савдо ходимлари бажариб бўлмайди, деб келган вазифани ҳал этиш жадаллашди — қишки таътилдан кейиноқ, иккинчи ярим йиллик бошланиши билан (илгари мўлжаллаб қўйилганидек навбатдаги ўқув йилидан эмас) республиканинг барча мактабларида бошланғич синф ўқувчиларини бепул овқатлантириш ташкил этилди. Республика аҳолисининг кам таъминланган табақалари, яъни кўп болали оилалар, ногиронлар, пенсионерларга ёрдам бериш учун қўшимча маблағлар қидириб топилди.

Тошкент хусусида чиқарилган қарорнинг, шунингдек фаолларнинг мазкур йиғилишида тасдиқланадиган тадбирларнинг ҳар бир банди қандай бажарилаётганлигини ҳар куни қаттиқ талабчанлик билан назорат қилиб туриш керак. Бу республикадаги икки миллион киши яшаётган энг йирик шаҳардаги катта ижтимоий-иқтисодий мушкулликка онд масалагина бўлиб қолмай, шу билан бирга жуда катта сиёсий аҳамиятга молик масала ҳамдир — бу республика партия ташкилотининг ишонч ёрлиғини оқлашга қодирлиги, халққа берган ваъдасини бажаришга қодирлигига даҳлдор масаладир.

Халқ билан маслаҳатлашмасдан, кабинетларда тўқиб чиқарилган республика халқ хўжалиги территориал ва тармоқ бошқаруви схемаларини қатъиян рад этамиз, бу схемалар амалга оширилиб, тараққиётимизга ғов бўлди. Бу борадаги кўп ишлар, жумладан «Главташкентстрой»га дахлдор ишлар ҳозиргача бажарилган, буни сиз яхши биласиз. Фаоллар йиғилиши қатнашчиларига, республика жамоатчилигига шуни маълум қилиб қўймоқчиманки, яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида республика комиссиясининг хулосалари ва таклифлари кўриб чиқилди ҳамда Жиззах ва Сирдарё областларини илгариги чегараларида тиклаш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети асрлар мобайнида халқимиз орттирган, унинг анъаналарига жавоб берадиган барча бебаҳо қадриятларни қўллаб-қувватлайди.

Биз яқинда Марказий Комитетнинг идеология комиссиясида бўлажак наврўз байрамини анъанавий байрам сифатида нишонлаш тўғрисидаги масалани муҳокама қилдик. Ҳар жиҳатдан диққат-эътибор билан муҳокама қилдик, «қош қўяман деб, кўз чиқарилган», ўзбошимчалик билан зарарли, халққа бегона қарорлар қабул қилинган, анъаналаримиз, урф-одатларимизнинг асрий негизлари оёқ-ости қилинган ўтмиш давр сабоқларини ҳисобга олдик.

Шу тажриба асосида ва аввало, одамларнинг, бутун халқимизнинг кўпдан-кўп истак ва талабларини ҳисобга олиб, биз бу йил наврўзни янгичасига, катта умумхалқ байрами сифатида тантана билан ўтказиш ҳақида қарор қабул қилдик.

1. 21 март ишланмайдиган кун, деб эълон қилинди. 31 март куни ишлаб, бунинг ўрнини қоплаймиз. Шу куни байрам, якшанба куни тарифига кўра ҳақ тўланади.

2. Комиссиялар ҳозирнинг ўзидаёқ иш бошлаб юборди, мазкур комиссиялар ишига халқ учун жуда азиз ва севимли бўлган бу миллий байрамнинг ранго-ранг, жўшқин ўтиши ва унга асрлар давомида орттирилган файз-тароватни бахш этишга қодир бўлган жуда ҳурматли, жонкуяр кишилар ва бошқа кишилар жалб этилади.

Ўртоқлар, сиз бу масала хусусидаги ташаббусимизни қўллаб-қувватлайсиз, бу кунни кўп миллатли республикамизнинг пойтахти бўлган Тошкент аҳли бир ёқадан бош чиқариб байрам қилади ва уни иноқ байналмилал вазиятда чин дилдан, самимият ва очиқ кўнгиллилик билан ўтказади, деб ўйлайман. Бу бизга кучларни янада жипслаштириш учун хизмат қилади, кучларни жипслаштириш эса ҳозир бизга ҳар қачонгидан кўра зарурдир. Бу — қайта қуришнинг асосий шарти, бу — даврнинг қатъий даъватидир.

Яхши қўшничилик, иззат-икром, ўзаро ёрдам халқимизнинг жуда муқаддас анъаналаридан биридир. Муқаддас сўзини тилга олиб турганимиз маъқул. Биз ҳозир маҳалла ҳаётида, маҳалла жамоатчилигининг, гарчи баъзан кўзга чалинмаса-да, аммо қунт билан қилаётган жуда зарур ва муҳим фаолиятида тўла мужассам бўлаётган халқ анъаналарини асрашимиз ва кўпайтиришимиз керак.

Маҳалла аҳли ўз даҳалари ва районларини обод қилиб, муштарак эҳтиёжлар учун одамларни жипслаштириб, шодлик кунларида ҳам, ғам-ғуссада ҳам бир-бирига мадад беришдек анъаналарни қўллаб-қувватлаб, оиладаги жанжаллар ва бошқа можароларни бартараф этиб, ёшларни катталарга ҳурмат, кичикларга иззат руҳида тарбиялаб, халқ қадриятларини ва умуминсоний қадриятларни маънавий, руҳий жиҳатдан асраб авайлашдек жуда муҳим ишни кўз-кўз қилмай, аммо кун сайин қунт ва чидам билан амалга оширмоқдалар. Барча оқсоқолларимизга, маҳаллаларнинг фаолларига катта раҳмат, ҳимматлари учун таъзим бажо этамиз, Улар она шаҳримизни яна обод ва кўркам қилишдек ишда фаол қатнашишларига аминмиз.

Пойтахтимиз ишчилари, зиёлилари, ёшлари, коммунистлар ва партиясизлар, Тошкентдаги барча миллатларга мансуб кишилар она шаҳримизни обод қилишдек бунёдкорлик ишида собитқадамлик ва аҳиллик билан меҳнат қилиш намунасини кўрсатадилар, Тошкентда ва республикамизда яшаётган ҳар бир кишининг бугуни куни ва келажаги манфаатларини ўйлаб, қўйилган мақсадларга эришишда ғайратшижоат кўрсатадилар, деб ишонч билдиришга ижозат бергайсиз. Фаолларга ва шаҳарнинг барча меҳнаткашларига ана шу олижаноб, инсонпарварлик ишида муваффақиятлар тилаймиз.

ИҚТИСОДИЁТНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШ, ОДАМЛАР ТУРМУШИНИ ЯХШИЛАШ—ШУ КУННИНГ ВАЗИФАСИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Бу амалга оширилиши аниқ бўлган истиқболдир. Хўш, шаҳримиз 90-йилларга нима билан бормоқда? Ўтган тўрт йил мобайнида ярим миллион квадрат метрга яқин уй-жой қуриб битказилмади. Қурилиш материаллари, ишлаб чиқариш қувватлари етишмайди. Қурилишда оғир, самараси кам бўлган қўл меҳнатининг ҳиссаси 50 фоиз атрофида бўлмоқда. Уйсозлик комбинатларининг истисносиз барчасидаги ускуналар маънавий жиҳатдан эскирди, яроқсиз аҳволга келди. Янги ҳажм-блокли уйсозлик заводи эса ҳалигача лойиҳадаги қувватга чиқа олмаяпти. Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармасининг 15 та ташкилотидан ярмисида иш ҳақининг меҳнат унумдорлиги ўсишига нисбатан кўпайишига йўл қўйилган. Бинобарин, қурувчиларга боғлиқ бўлмаган муаммолар ҳам бор. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, қурилишларнинг узоқ чўзилиб кетишига кўп жиҳатдан бинокорлик материаллари ва ускуналар ўз вақтида етказиб берилмаётганлиги сабаб бўляпти. Ўзбекистон ССР Давлат план комитети ва Давлат таъминоти комитети, манфаатдор министрликлар ва идоралар ушбу масалада сусткашлик қилмоқдалар.

Шаҳарда ерлар рўйхатдан ўтказилди, бу эса беш юз минг квадрат метр ҳажмдаги уй-жойлар бунёд этиладиган майдонларни аниқлашга имкон берди. Қабул қилинган қарорда Тошкент область хўжаликлари шаҳарга тўла-тўкис равишда уй-жой қурилишига 978 гектар, якка тартибда уй-жой қурилишига 1730 гектар ер бериши назарда тутилган. Шундай бўлса ҳам, ер ажратиш масаласи ҳануз жуда кескин бўлиб қолмоқда.

Йиғилишда шундай рақамлар келтирилди: тошкентликларга кейинги икки йилнинг ўзида икки мингтага яқин ер участкаси ажратилган. Ер олишни хоҳловчилар эса 25 минг оилани ташкил этади. Тўғри, одамлар ўз маблағлари ҳисобига уй қуриб олишлари давлатга фойдали. Бинобарин, бошқа нарса — якка тартибда уй-жойлар қурилаётган ерлар мактаблар, болалар боғчалари, соғлиқни сақлаш, савдо, маиший хизмат муассасалари билан таъминланиши лозимлиги ҳам муҳимдир. Кундалик ҳаётимизда эса қандай бўляпти? Масалан, бунёд этилаётган «Ўрикзор» даҳасига зарур бўлган ўн миллион сўм ўрнига атиги 1 миллион 700 минг сўм пул ажратилган, айни вақтда бу маблағлар моддий ресурслар билан мустаҳкамланмаган. Бугун уй-жой программасини министрликлар ва идоралар фаол қатнашган тақдирдагина бажариш мумкин эканлигини таъкидлашзарур. Қабул қилинган қарорда бир қанча иттифоқ ва республика министрликларига ўз кучлари билан 730 минг квадрат метр ҳажмда уй-жой қуришлари, 2200 ўринга мўлжалланган мактабгача болалар муассасалари, ҳар куни 1900 беморни қабул қиладиган поликлиникалар, 1256 ўринли касалхоналар бунёд этиш вазифаси белгилаб берилган.

Бу амалга оширса бўладиган режалар. Бинобарин, шаҳарда ушбу муаммоларни ҳал этиш борасида яхши тажриба тўпланган. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа корхоналарнинг коллективлари мураккаб ижтимоий масалаларни муваффақиятли ҳал этмоқдалар. Уларга ана шу йўналишда устунлик берилади.

Йиғилиш қатнашчилари «тугалланмаган» деб аталмиш қурилишларга алоҳида эътибор беришди. Шаҳарда янги турар жойлар: «Қизил Шарқ», «Алгоритм», «Сергели-7, 8», «Б-1», Марказ-17», «Марказ-18» даҳаларини қуриш бошлаб юборилди. Лекин уларнинг бирортаси ҳам тўла-тўкис қуриб битказилмаган. Бундай иш юритиш Тошкентда савдо, соғлиқни сақлаш корхоналари, болалар боғчалари кескин етишмаслигига олиб келди. Шу сабабдан турли-туман омонат иморатлар ва дўкончаларни қуришга тўғри келмоқда. Бундай камчиликларга йўл қўймаслик учун бош планни ишлаб чиқишга ёндашувнинг ўзини тубдан ўзгартириш талаб этилади. Бош планга тармоқ ишлаб чиқариш структуралари ўрнига территориал-ишлаб чиқариш комплексларини бунёд этиш режаларини синчковлик билан ишлаб чиқиш асос бўлиши керак.

Тошкент шаҳрини ривожлантиришнинг бош плани илк бор пойтахт областини ривожлантириш билан боғлиқ ҳолда тўзилди. Бу тасодифий эмас, чунки шаҳар ва қишлоқ бир-бири билан узвий боғланган. Йиғилиш қатнашчилари ҳозир ўроқ ва болға иттифоқини сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, муносабатларни ўзаро фойдали иқтисодий негиз асосида қуриш муҳимлигини таъкидладилар. Шаҳарликларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан мунтазам таъминлаш учун республика ҳукумати «Ташгорагропром» бирлашмасига Калинин ва Оржоникидзе районларидаги бир қанча хўжаликларни бериш ҳақида қарор қабул қилди.

Йиғилишда Тошкентда мактаблар ва мактабгача болалар муассасалари билан боғлиқ жуда кескин вазият вужудга келганлиги қайд этилди. Ҳозир ўқувчиларнинг тўртдан бир қисми болалар ҳаддан зиёд кўп бўлган мактаб биноларида таълим олишмоқда. Ҳозирги қурилиш суръатларида аҳолининг ўсишини ҳисобга олган ҳолда шаҳарнинг мактабларга бўлган эҳтиёжини қондириш учун 11 йил керак бўлур эди. Шу боисдан шаҳарни ривожлантиришнинг бош планида мазкур масалага биринчи даражали аҳамият берилган.

Шаҳар партия-хўжалик фаоллари йиғилишининг қатнашчилари соғлиқни сақлашнинг аҳволи ҳақида ташвишланиб гапирдилар. Ишлаб чиқилган ва тасдиқланган «Сиҳат-саломатлик» комплекс программаси ҳалигача ҳужжатлигича қолмоқда. Уни муваффақиятли амалга ошириш учун соғлиқни сақлаш объектларини бунёд этишга ёндашувнинг ўзини тубдан қараб чиқиш керак бўлади. Келаси беш йилликда касалхоналардаги ўринларни 4,2 марта, поликлиникалар сонини 2,2 марта кўпайтириш лозим. Район санитария-эпидемиология станциялари учун саккизта лаборатория биноси, 14 та «тез ёрдам» кичик станцияси, 1400 ўринга мўлжалланган болалар санаторийларини қуриш режалаштирилган. Соғлиқни сақлаш масалалари экология муаммолари билан чамбарчас боғланган. Саноат корхоналарининг бир ерга ҳаддан зиёд тўпланиши, энергия тежовчи ва чиқиндисиз технологияларни жорий этишнинг паст даражаси шаҳарда мураккаб экологик ҳолатни вужудга келтирди. Ҳаво ҳавзасининг газ билан булғаниш даражаси кўп жиҳатлардан йўл қўйиладиган нормага нисбатан бир ярим-икки баравар кўп.

Бироқ 24 та саноат, 25 та автомобиль корхонасини шаҳардан ташқарига кўчириш ўрнига Тошкентда бош планга риоя қилмаган ҳолда янги корхоналар: «Мотор» ва «Алгоритм» заводлари, «Таштекстильмаш» бирлашмасининг филиаллари жойлаштирилди. Муҳитни соғломлаштириш учун яқин вақт ичидаёқ ҳавога чиқарилаётган зарарли моддаларни 20—30 минг тонна қисқартириш, ифлосланишнинг барқарор манбаларини камайтириш ва ўта зарарли моддалар чиқарувчи корхоналарнинг бир қанчасини шаҳар ташқарисига кўчириш керак бўлади. 1964 йилдан бери Тошкент аэропортини шаҳар ташқарисига кўчириш ҳақидаги масала муҳокама қилиб келинмоқда. Аэропорт кам қаватли уйлар қурилган районлар билан бевосита чегарадошдир. Шовқин-сурон кучли бўлган зонада ҳозир 360 мингдан кўпроқ аҳоли яшайди, аэропорт Ўзбекистон пойтахтининг жанубий йўналишда ривожланишига тўсқинлик қилмоқда. Қабул қилинган қарорда шуни ҳисобга олиб, аэропортни шаҳар ташқарисига чиқаришнинг техникавий-иқтисодий асосларини тезда тугаллаш масаласини ҳал этиш кўзда тутилган.

Тошкентда шаҳар хўжалик хизмати унинг энг оғир нуқталаридан бўлиб қолмоқда. Одамлар автомат-телефон станциялари кескин етишмаётганлигини, автотранспорт бир меъёрда ишламаётганлигини адолатли равишда танқид қилишмоқда, улар совуқ уйларда «қишлаш»ни хоҳламайдилар. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, Тошкентдаги инженерлик коммуникацияларининг аҳволи норматив эҳтиёжлардан бир неча баробар орқада қолмоқда. Кейинги 15 йил ичида шу мақсад учун 500 миллион сўмлик капитал маблағлар ва моддий ресурслар кам ажратилди. Бундай аҳволга ортиқ тоқат қилиб бўлмайди. Йиғилишда янги иссиқлик тармоқларини қуриш ва иссиқлик таъминотини ишончли тарзда ошириш, водопровод-канализация тармоқларини ривожлантириш биринчи галдаги вазифалар, деб айтилди. Электр хўжалик объектларини бунёд этишнинг ўзигагина 42 миллион сўмдан кўпроқ пул ажратиш назарда тутилмоқда.

Шаҳар пассажир транспорти ва телефон хизмати ишида ҳал этилмаган масалалар кўп. «Ташгорпассавтотранс», трамвай-троллейбус бошқармаси, шаҳар телефон тармоғи фаолиятини таҳлил этиш уларни ривожлантириш учун ажратилаётган капитал маблағлар ўзлаштирилмаётганлигини кўрсатмоқда. Мана, бир мисол: 125 мингта номерга мўлжалланган 11 та автомат телефон станцияси биноси қурилиши режалаштирилган, лекин атиги тўрттаси қуриб битказилган.

Тошкентда учта янги троллейбус депоси, электр кучини трамвай, троллейбус, метро поездлари каби электр транспортларига мослаб берадиган 22 та кичик станция, умумий сиғими 230 минг номерга мўлжалланган 22 та автомат-телефон станцияси биносини қуриш режалаштирилган. Бу аҳолини уй телефонлари билан таъминлашни икки баравар кўпайтиришга имкон беради.

Қабул қилинган қарорнинг яна бир хусусияти шундаки, унда Тошкентнинг тарихан таркиб топган районларини ривожлантириш масаласи ҳар томонлама қараб чиқилган. Ҳар бир кўҳна шаҳарнинг ўзига хос ва беназир қиёфаси унинг тарих, маданият, меъморий обидаларида уйғунлашади. Эски уйлар сақланиб қолган даҳаларни, ҳунармандлар ишлайдиган расталарни, масчитларнинг биноларини, эски шаҳардаги шарқ бозорини миллий меъморчиликнинг ана шундай ноёб ёдгорликлари деб тўла-тўкис ҳисоблаш мумкин. Афсуски, айрим иншоотларнинг ўйламасдан, танлаб қурилганлиги уй-жой билан боғлиқ мушкул вазиятни ўзгартирмади, балки бутун бошли меъморий обидалар мутлақо йўқолиб кетишига олиб келди. Ҳозир эски шаҳар муаммоларини ҳал этиш билан шуғулланадиган вақт келди. Йиғилиш қатнашчилари Октябрь, Собир Раҳимов, Киров районларидаги кўп маҳаллаларнинг аҳолиси марказий иссиқлик таъминоти, канализация, газ таъминотидан фойдаланиш имкониятидан маҳрум эканликларига йўл қўйиш мумкин эмаслиги ҳақида гапирдилар. Бу ерларда водопровод, энергетика, телефон тармоқларининг қуввати етарли эмас. Мактаблар, болалар боғчалари, соғлиқни сақлаш объектлари ва маданий-маиший иншоотлар кескин етишмаётганлиги сезилмоқда. Шуларни ҳисобга олиб, яқин вақт ичидаёқ эски шаҳарни таъмирлашнинг аниқ бир мақсадга мўлжалланган режасини ишлаб чиқиш керак. Кўҳна ёдгорликларни сақлаб қолган ҳолда мазкур районлар қурилишининг энг яхши лойиҳаси учун конкурс эълон қилинган. Бу ерда кўп қаватли бинолар билан ёнма-ён бир ва икки қаватли уйлар бунёд этилади.

Ўтган йили лойиҳа, планлаштириш ва қидирув ишларини бажариш учун беш юз минг сўм ажратилган эди. Бу йил эса миллион сўм пул ажратилди. Эскириб кетган уй-жойларни бузишнинг аниқ муддатлари ҳамда ҳажмлари белгиланган. 780 минг квадрат метрдан кўпроқ уй-жойларни бузиш керак бўлади. Улардан 80 мингдан кўпроқ одамни кўчириш зарур. Таъмирлаш ишлари олиб бориладиган ерлардаги аҳолини вақтинчалик жойлаштириш ва уларни аввалги турар-жойларига кейинчалик қайтариш учун 20 та уйдан иборат оборот фондини тузишга қарор қилинди. Шу ишларни бажариш учун Тошкент шаҳар ижроия комитети ҳузурида «Тошкент тикланиш» давлат-кооператив қурилиш бирлашмаси тузилди.

«Маҳалла» тўкис-тугал программасини ишлаб чиқиш тарихан таркиб топган районлар аҳолисининг иҳтимоий-маиший шароитларини яхшилаш сари ташланган яна бир қадам бўлди. Уни амалга оширишга 170 миллион сўм атрофида пул сарфланади.

Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашлари олдида катта ва масъулиятли вазифалар турибди. Уларни ҳал этиш учун нафақат катта маблағлар ва моддий ресурслар талаб этилади, айни вақтда шаҳарда яшаётган ҳар бир киши тащаббус кўрсатиши, бу ишдан манфаатдорлигини намоён этиши зарур. Олдимизда Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг масъулиятли босқичи турибди.

Шаҳар партия-хўжалик фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов нутқ сўзлади.

САФАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

ЖАКАРТА, 19 январь. (ТАСС). Индонезияга келган СССР Олий Совети Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. И. Иброҳимов бугун Жакарта чеккасидаги хушманзара ерда жойлашган «Ажойиб жажжи Индонезия» боғига борди. Совет Иттифоқидан келган меҳмонлар комплексни кўздан кечиришаётганида уларга республика президенти ва Сухарто хоним ҳамроҳ бўлди.

Агар осма бир изли шоҳ кўчага чиқиб, атрофга назар ташласангиз, мовий кўл, Индонезия архипелагининг маржондек тизилган кўм-кўк ороллари, вулқонларнинг тўнкасимон танаси, хуллас ажиб манзара кўзга ташланади. Индонезиядаги барча 27 вилоятнинг павильонлари шу ерда қурилган, бу биноларда архипелагдаги элатлар анъанавий меъморчилиги услуби ёрқин кўзга ташланади. Павильонлар ёнида музейлар бор, боғлар барпо этилган, булар орасида шифобахш гиёҳлар ва ўсимликлар боғи, шунингдек барча ороллардан келтирилган 5 мингдан кўпроқ қуш турлари, шу жумладан Ғарбий Ирианнинг машҳур «жаннат қуши» боқилаётган паррандалар қўриқхонаси эътиборни тортади. Бу ерга келган киши Индонезиядаги кўп элатларнинг жуда бой маданияти ва кўҳна анъаналари, бу мамлакат миллий тараққиётида эришилган ютуқлар билан танишиши ва дам олиши мумкин, Индонезия республикасининг давлат гербига: «Ранг-баранг бирлик» шиори ёзиб қўйилган, ушбу боғ ана шу шиорнинг кўргазмали рамзидир.

Тушдан кейин меҳмонлар «Сандратекс» фирмасининг тўқимачилик корхонасига боришди, бу корхона маҳсулотларининг Европа ва Америка, Япония, Австралия ва бошқа мамлакатларга сотилади. Меҳмонлар корхона ишлаб чиқаришини кўздан кечирдилар. Бу корхона пахтадан газлама ва тайёр буюмлар ҳамда полиэфир толаси тайёрлашга ихтисослашган бўлиб, асосан четдан олиб келинаётган хом ашёда ишлайди. «Сандратекс» фирмаси раҳбарлари етакчи пахта етиштирувчи республика бўлган Ўзбекистон ССР билан ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканликларини айтдилар.

* * *

ЖАКАРТА, 20 январь. ТАСС мухбири Алексей Петров хабар қилади: Индонезияга ташриф буюрган СССР Олий Совети Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг, Раиси М. И. Иброҳимов бугун бир қанча саноат корхоналарига борди.

У, жумладан, ўсимлик мойи, маргарин ва озиқ-овқат моллари ишлаб чиқаришга ихтисослашаётган «Бимоли» фабрикаси маҳсулотларининг намуналари билан танишди. Корхона Индонезиядаги энг йирик бирлашмалардан бири «Салим» группаси компанияларининг бирлашмасига қарашлидир. Корхона яқинда биринчилар қаторида СССРда кокос мойини қайта ишловчи қўшма корхона тузиш тўғрисида совет шериклари билан шартнома тузди.

Индонезиядаги кир ювиш воситалари, атир-упа ва пардоз буюмлари ишлаб чиқарувчи етакчи корхоналардан бирига борилган пайтда, цехларнинг бирида Совет Иттифоқига тайёр маҳсулотнинг навбатдаги катта туркумини жўнатиш учун ҳозирлик кўрилаётган эди.

Куннинг иккинчи ярмида Индонезия савдо-саноат палатаси вакиллари билан учрашувда ўтган йилнинг кўз фаслида олий даражада бўлган Совет—Индонезия музокаралари чоғида эришилган аҳдлашувларни рўёбга чиқариш борасидаги муайян тадбирларни муҳокама қилиш давом эттирилди. Ана шу шартномалар икки мамлакат ўртасида ўзаро фойдали савдо-иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантириш учун мустаҳкам асос яратганди. Жумладан, Индонезия билан Ўзбекистон ССР ўртасидаги амалий алоқалар ҳамда ҳамкорликни мустаҳкамлаш тадбирлари муҳокама қилинди.

Шундан сўнг Мердека саройида М. И. Иброҳимовнинг президент Сухарто билан якунловчи учрашуви бўлди.

Совет делегацияси Индонезия пойтахтига қилган ташрифини тугатгач, мамлакат бўйлаб сафарга жўнаб кетди. Сафар чоғида делегация Бали оролига ва Шимолий Суматра вилоятининг маъмурий маркази Медан шаҳрига боради.

ОЗАРБАЙЖОН ВА АРМАНИСТОНДАГИ АҲВОЛГА ДОИР

М. С. Горбачевнинг Марказий телевидение орқали сўзлаган нутқини бутун мамлакатда бўлганидек, Озарбайжон ва Арманистонда ҳам жуда катта эътибор билан кутиб олдилар. Ушбу республикаларда рўй бераётган воқеалар ҳар бир совет кишисини ташвишга солмоқда.

Бокудаги, бутун республикадаги аҳвол ҳали ҳам ниҳоятда кескин бўлиб турибди. Ўз режалари барбод бўлганлигини тан олишни хоҳламаётган «Халқ фронти» раҳбарлари ва улар таъсиридаги жамоатчилик вакиллари, бир қанча ҳолларда эса маҳаллий идораларнинг ходимлари ҳам васвасани авж олдиришни давом эттиришмоқда, одамларни Совет Армиясига қарши қўйишмоқда.

Ана шундай мураккаб вазиятда ҳарбий маъмурлар тартиб ўрнатиш борасида қатор тадбирларни амалга оширмоқдалар. Боку ҳарбий коменданти 21 январь куни шаҳар аҳолисига радио орқали мурожаат қилди. «Ҳурматли бокуликлар», — деди у. Ҳарбий ҳолат эълон қилиниб, комендантлик соати жорий этилганидан сўнг бир кун ўтди. Бугун кечаси тинчлик бўлди. Ички қўшинлар ва армия бўлинмалари ҳукумат қўйган вазифаларни бажаришга киришдилар. Энг муҳими жиноятлар ва экстремизмнинг пайини қирқишдир. Бокуликларнинг кўпчилиги бундай тадбирларни тушуниб, унга яхши муносабатда бўлмоқдалар. Мухолифликнинг давом этиши одамларнинг ҳалок бўлишига олиб келмоқда». Ўтган кеча-кундузда бир қанча ҳарбий қисмлар ва бўлинмаларни жойлаштириш ва уларга ажратилган позицияларни мустаҳкамлаш юзасидан ишлар қилинди. Катта бир гуруҳ жиноят содир этишда гумон қилиниб, қўлга олинди. Булар орасида «Миллий мудофаа комитети» деб аталмиш комитет аъзоси Ш. Г. Огаев бўлиб, унинг ёнидан қурол топилди. Шу боисдан ва бошқа фактлар юзасидан ҳам жиноий ишлар қўзғатилди.

Степанакерт шаҳрида «Советский Карабах» газетаси муҳаррирининг ўринбосари, «Тоғли Қорабоғ автоном области миллий кенгаши» деб аталмиш кенгаш аъзоси А. А. Гукасян ва кооператор А. А. Григорян миллатлараро адоватни авж олдирганлиги учун маъмурий тартибда ушландилар. Тоғли Қорабоғ автоном областининг арман аҳолиси умуман бундай тадбирларга ижобий муносабатда бўлмоқда. «Бундай ҳаёт ҳамманинг жонига текканлиги сабабли» маъмурлар аллақачоноқ қатъий ҳаракат қилишга ўтишлари керак эди, деган фикрлар билдирилмоқда.

Озарбайжон билан Арманистон ўртасидаги чегарада, Бўри дарвозаси деб аталган ерда арман террорчилари Озарбайжон қишлоғини ўққа тутишди. Фуқаролардан 12 киши ўлдирилди. СССР Ички ишлар министрлиги ички қўшинлари бўлинмалари аралашганидан кейингина янада кўпроқ қон тўкилишининг олди олинди.

Арарат районида турли норасмий ташкилотларнинг жангарилари ўртасида раҳнамолик учун ур-йиқит бўлмоқда. «Арман умуммиллий ҳаракати» баъзи раҳбарларининг қуролни топширмаслик ҳақидаги чақириқлари бу қуролларнинг анчагина қисми жиноятчи унсурлар қўлига тушиб қолишига олиб келмоқда ва республика аҳолисига қарши ишлатилмоқда.

Давлат чегарасидаги аҳвол мураккаблигича қолмоқда. Пришиб ва Ленкорань чегара отрядларининг айрим ерларида Озарбайжон ва Эрон аҳолисининг оммавий равишда чегарадан ўтиши давом этмоқда.

Айни вақтда давлат чегарасининг Нахичеван участкасида аҳвол бир мунча барқарорлашганлиги кузатилмоқда. Астара шаҳрида Совет ва Эрон чегара комиссарларининг учрашуви бўлди. Учрашувда давлат чегараси режимини таъминлаш борасидаги тадбирлар белгиланди. Чегара қўшинларининг 200 дан ортиқ сиёсий ходими ва партия фаоллари чегарада рўй берган танглик сабабларини ва ундан қутулиш тадбирларини аҳолига тушунтириш билан шуғулланишмоқда.

Ички қўшинларнинг бўлинмалари, Совет Армияси ва СССР Давлат хавфсизлиги комитети қисмлари вазиятни барқарорлаштириш, қонунни ва

• *Номзодлар ҳақида ҳикоялар*

ДЕҲҚОН ФАРЗАНДИ

18 ФЕВРАЛЬ — ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВА МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАР ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИ КУНИ

Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига 198-Газли сайлов округидан номзоди кўрсатилишига розилик билдирган Болта Деҳқонов елкасига тушган юк залворини сайловчилар билан учрашувлар бошланганидан кейин ҳис қилди. Дастлабки учрашувдаёқ ў ҳаракат дастурини баён қилганидан кейин бир йигит ўрнидан турдида, дабдурустдан шундай савол берди:

— Мана, сиз қирқ центнерчи пахтакор экансиз. Бу яхши, албатта. Аммо давлат ҳокимияти олий минбари пахта даласи эмас. У ерда пахтакорнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун сизда билим, қобилият етади, деб ўйлайсизми?

Бундай кутилмаган «ҳужум» ҳар қандай нотиқни ҳам эсанкиратиб қўйиши мумкин эди. Болтавой ҳаяжонини сездирмади.

— Ҳақиқатан ҳам мен оддий деҳқон фарзандиман, — деди у. — Бу қўллар билан қаламдан кўра кетмон дастасини ушлаш ўнғайроқ. Лекин пахтакорнинг ташвишлари оғриниб эгат бошига келишга ҳазар қиладиган айрим «зиёли»ларга яқинми ёки менгами?!

Болтавойнинг берган жавоби савол берган йигитнинг эт-этидан ўтиб кетди, шекилли, шолғомдай қизариб залдагиларнинг гур-р-р кулгиси остида жойига ўтирди. Ўқ эса нишонга бориб тегди. Ромитан район «Октябрь 50 йиллиги» совхози 1-бўлимининг залда тўпланган ишчилари унинг аравани қуруқ олиб қочадиганлар тоифасидан эмаслигига, меҳнат кишиси манфаатлари учун кураша олишига ишонч ҳосил қилишди.

Болтавой Деҳқонов ҳақиқатан ҳам жамиятимиздаги сафсатабозлик, расмиятчилик илдизига болта урадиган исми-жисмига монанд йигит. Ундан гап эмас, амалий иш сўранг. Совет Армиясида хизматдан кейин ҳунар-техника билим юртини битириб совхозда механизаторлик қилди. Кейинги беш йилдан буён учинчи

бўлим тўртинчи бригадасининг саркори. Олдинги йили ҳар гектар ердан 41,1 центнердан ҳосил кўтарди. Ўтган йили ногаҳонда қаердандир пайдо бўлган теплица оқ капалаги ғўзага қирон келтирган бўлса ҳам қолган ҳосилни асраб-авайлаб планни бажарди. Ҳосил учун айни кураш палласида бўлим бошланғич партия ташкилоти уни якдиллик билан КПСС аъзолигига номзодликка қабул қилди.

Шундай пахтакорлар туфайли бу тармоқ совхозда тобора сердаромад соҳага айланмоқда. Чунки, илк бор уларга мустақиллик берилянти. Ўтган йили хўжаликда деярли 800 оила пудрат асосида ишлаб, ҳосилнинг қарийб 70 процентини етказиб берди. Давлатга топширилаётган сутнинг ҳам учдан бир қисмини фермер хўжаликлари етиштиришмоқда. Яқинда совхоз балиқчилик хўжалигини ижарага топширди.

Самарали хўжалик механизми ишга тушаётган экан иқтисодиёт тақдиридан қайғурмаса ҳам бўлади. Номзодни ижтимоиёт муаммолари кўпроқ ташвишга солмоқда. Сайловчилар билан учрашувларда унга бу соҳада кўпдан-кўп наказлар берилмоқда. Кимдир қишлоқда янги мактаб қуришни наказ қилса, бошқаси водопровод ўтказиш, яна бириси табиий газ келтиришни талаб этмоқда.

Сайловчилар яшайдиган «Ҳазорбоғ» қишлоқ Советидаги 46 аҳоли пунктининг тенг ярмида газ йўқ. Кўпчилик ариқ сувини истеъмол қилади. Мактабгача ёшдаги болаларнинг 58 процента уйда тарбияланмоқда. Кўплаб ёш болалар 4—5 километр йўлни яёв босиб мактабга қатнамоқдалар. Бундай муаммолар шу сайлов округи территориясига кирадиган Ибн Сино номли, «Қизил равот» совхозларидаги қишлоқлар учун ҳам ёт эмас. Газли шаҳрида ишчи кучларини иш билан тўла таъминлаш тўғрисида ўйлаш керак.

Халқ депутатлигига номзод бу муаммоларни ҳал қилишга деҳқончасига пухта ёндашмоқда. Ҳозирданоқ унинг таклифи билан бўшаб қолган маъмурий биноларга қишлоқ касалхонаси, бошланғич синф хоналари, болалар боғчаларини жойлаштириш тадбирлари кўрилмоқда, бўлажак қурилишларнинг мундарижаси тузилмоқда. Бу эса номзод халқ депутати масъулиятини чуқур ҳис этадиган киши эканлигидан далолатдир.

Н. НАИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Суратда: депутатликка номзод Б. Деҳқонов ва унинг ишончли вакили, А. Навоий номли мактабнинг директор ўринбосари Ғ. Ғафурова.

С. ПОЛЕТАЕВ сурати.

ЭЗГУ МАҚСАД БИЛАН

Янги йил арафасида Тошкентда конференция уюштирилиб, унда Ўзбекистон уйғур маданий-оқартув жамияти таъсис этилди. Унинг кенгаши олтмиш еттн кишидан иборат бўлиб, турли касб эгалари — ёзувчи-журналистлар, олимлар, маданият ходимлари, санъаткорлар, ишчилар ва медиклардан ташкил топган. Унга таниқли журналист, таржимон, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими Ҳелам Раҳимович ХУДОЙБЕРДИЕВ раҳбарлик қилмоқда. Яқинда мухбиримиз у киши билан учрашиб, Уйғур маданий-оқартув жамиятининг мақсад, вазифалари ва режалари ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.

— Аввало шуни алоҳида мамнуният билан таъкидлашимиз керакки, — дейди Ҳ. Р. Худойбердиев. — Ўзбекистонда уйғур маданий-оқартув жамиятининг тузилиши бу совет партия ва ҳукуматининг ғамхўрлиги, унинг даъватларига фаоллик билан жавоб бераётган Ўзбекистон раҳбарияти ташкилотчилиги, қолаверса, қайта қуриш шарофати туфайлидир. Биз буни яхши биламиз ва қалбдан чуқур ҳис қиламиз. Шу боис Жамият таъсис этилаётганда ғамхўрликка муносиб бўлиш керак, деган масъулият туйғуси ҳар биримизнинг қалбимиздан кечди.

Кўпчиликка яхши маълумки, йигирманчи, ўттизинчи йилларда Ўзбекистонда уйғур тилида иш юритувчи мактаблар, ҳатто педагогика техникуми бўлган. Уйғур тилида газеталар чиқарилган, дарсликлар, бадиий асарлар чоп этилган. Андижонда уйғур театри фаолият кўрсатган. Афсуски, қатағон йилларида, шахсга сиғиниш даврида бу имкониятларга барҳам берилди. Халқимиз фан ва маданиятни ўз она тилида ўзлаштиришдан маҳрум бўлиб қолди.

Мана, ниҳоят ана шу камчиликларни тузатиш вақти ҳам етиб келди. Жамиятимизнинг ташкил этилишида Рўзи Қодирий, Эминжон Усмонов каби ёзувчилар, Шоҳида Шоҳимардонова, Абдураим Аҳмадий, Холисхон Қодирова каби санъаткорлар, Тельман Сатторов, Абдурашид Алиев, Нурмуҳаммад Муборeков, Ҳасанохун Мусаев сингари олимлар, шунингдек, турли касб эгаларининг, ёшларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Жамиятимизнинг асосий мақсади уйғур тилида фаолият кўрсатадиган мактабларни очишда, дарсликлар яратишда, кадрлар тайёрлашда ташкилотчилик ва воситачилик ролини бажаришдир. В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университети Шарқ факультети ҳузурида уйғур филологияси ва тарихи кафедрасини очиш ҳақида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми махсус қарор қабул қилган эди. Афсуски, бу ишни бажаришга дахлдор республика Халқ таълими министрлиги негадир фаоллик кўрсатмаяпти. Қозоғистон педагогика институтида уйғур бўлими бор. Бизнингча, икки қардош республика министрликлари кадрлар тайёрлашда ҳамкорликда иш олиб боришлари мумкин.

Оммавий ахборот воситалари ташкил этишимиз лозим. Биз уйғур тилида дарсликлар ва бадиий адабиёт асарлари мунтазам босиладиган нашриёт жорий қилинишини ва махсус ижтимоий-сиёсий, бадиий журнал чиқаришни ният қилганмиз. Республикамизда яшаётган миллатдошларимиз учун уйғур тилида радиоэшиттиришлар ва телекўрсатувлар уюштириш тезроқ йўлга қўйилса нур устига аъло нур бўлур эди.

Ҳозир Ўзбекистонда иккита уйғур бадиий коллективи ишлаб турибди. М. Қориёқубов номидаги ўзбек давлат филармонияси ва Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси қошида фаолият кўрсатаётган бу ансамбллар ўз ижрочиларига, репертуарига эга. Биз Тошкентда уйғур музикали драма театрини ҳам очишни мақсад қилганмиз. Табийки, бу ансамбллар ва театрга кадрлар керак. Шу маънода А. Островский номидаги Тошкент театр ва рассомлик санъати институти, М. Ашрафий номидаги консерватория ва А. Қодирий номидаги Маданият институтида уйғур бўлимлари ташкил этиш тўғрисидаги фикримизни ўринли деб ўйлаймиз.

Андижон областида уйғурлар кўп яшайди. Биз биринчи навбатда ана шу вилоятда ишларни жонлантиришимиз керак. Шуниси қувончлики, Тошкентдаги машҳур Ким Пен Хва номли колхозда ва Нариманов шаҳрида аллақачон уйғур тилини ўрганувчи группалар, тўгараклар ишлаб турибди.

Планларимизда халқаро маданий алоқаларни яхши йўлга қўйиш ҳам кўзда тутилган. Яқинда Ўзбекистонда Хитой халқ артисти, Шинжонг уйғур автоном райони композиторлар Уюшмасининг раиси Ҳусанжон Жамиев меҳмон бўлди. У жамиятимизнинг ташкил этилиши ва режаларидан хурсандчилигини билдирди. Маданият ходимлари билан бўладиган алоқаларни янада кучайтириш ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашди.

Эзгу мақсадларимиз, режаларимиз кўп. Ўйлаймизки, уларнинг амалга ошишида ўзбекистонлик қадрдонларимиз — фан ва маданият арбоблари, жамоатчилик ташкилотлари ходимлари, ижодий уюшмалар ва бадиий коллективлар аъзолари бизга яқиндан ёрдам берадилар.

• *Илмий лабораторияларда*

Янги нав хосияти

Тошкентдаги Г. С. Зайцев номидаги Бутуниттифоқ ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтида бугунги кунда ғўзанинг тезпишар, касалликларга чидамли навларини яратиш борасида муайян ишлар қилинмоқда. Яқинда бу ерда яратилган ғўзанинг «С—6524» нави кўпчилик деҳқонларимизга ёқиб қолди. «159—Ф» нави билан ғўзанинг ёввойи «пунктатум 05152» турини чатиштириш натижасида ана шу нав яратилди. Кўп йиллар мобайнида давлат синовидан ўтказиш натижасида «С—6524» ғўзанинг Тошкент-1, АН-420, Уйчи-2 навларига нисбатан ҳосилдорлиги, вильтга чидамлилиги ва толасининг сифати жиҳатидан анча устун эканлиги маълум бўлди. Наманган областининг Уйчидаги нав синаш участкаси ходимларининг ҳисоб-китобларига кўра янги «С—6524» навининг ҳосилдорлиги ҳар гектар майдон ҳисобига 48 центнердан ошди. Тошкент областининг кўпгина нав синаш участкаларида синаб кўрилганда ҳам янги нав серҳосиллиги билан ажралиб турди. Янги нав автори, институт лабораторияси мудири Вадим Автономов бу навни яратиш учун анчагина меҳнат қилди. Бугунги кунда «С—6524» республикамизнинг кўпгина областларида, айниқса Тошкент ва Наманган областларида кўплаб экилмоқда. Умуман бу нав республикамизнинг кўпгина далаларида районлаштириш учун мўлжалланмоқда.

Суратда: ғўзанинг янги нави муаллифи, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими Вадим Автономов, биология фанлари номзоди Йўлдош Икромов ва бош технолог Валентина Бочарова.

Р. Нуриддинов сурати (ЎзТАГ).

• **СПОРТ**

КУРАШ:

ЎРИНБОСАРЛАР БАҲСИ

Бобройск шаҳрида олимпиада ўринбосарлари билим юртлари ўртасида Бутуниттифоқ биринчилиги ўтказилди. Мусобақада 26 команда қатнашди. Тошкентдаги Титов номли олимпиада ўринбосарлари мактаби талабалари муваффақиятли беллашиб, фахрли иккинчи ўринни эгаллашди. Фрунзелик эркин курашчилар ғолиблик супасига кўтарилишди. Кишинёв командаси учинчи бўлди. Шахсий ҳисобда тошкентликлардан Р. Исломов билан А. Телегин биринчи ўринни олиб, илк марта спорт мастери номзоди талабини бажардилар. И. Тарасенко учинчи совринли ўринни олди.

СУЗИШ:

МАРРАДА ИККИНЧИ

Ҳинд океанидаги Реюнъон оролида йирик халқаро турнир ўтказилди. Совет терма командаси составида иштирок этган таниқли сузувчи, тошкентлик Сергей Заболотнов муваффақиятли баҳслашишга ҳаракат қилди. У 100 метрга чалқанча сузишда маррада иккинчи бўлди.

СУВ ТЎПИ:

ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР

Тошкентдаги Митрафанов номли сув спорти саройида СССР кубоги учун саралаш баҳслари бошланди. Биринчи учрашувни пойтахт динамочилари билан ўтказган тошкентнинг «Меҳнат» командаси (15:8) имкониятни бой берди. ЖОСММ (Боку) ва Севостополь ҳарбий-денгизчилари учрашувида 11:10 ҳисоби қайд этилди. Олмаота динамочилари Харьковнинг «Локомотив» коллективини 7:5 ҳисобида енгишди.

Муҳаррир ўринбосари Т. НАЖМИДДИНОВ.

«02» ХАБАР ҚИЛАДИ

ШИРИНЛИККА КИМ ЎЧ?

● Ширинликка болалар ўч, дейишади. Бу ҳикматни Бўстонлиқ районидаги консерва заводида меҳнат қилаётган айрим шахсларга айтиб кўринг-а, мазахлаганга чиқиб қоласиз. Ахир, завод дарвозаси олдида турли-туман мева шарбатларини ўмариб кетаётганлардан қўлга тушганлари ичида биронбир боғча боласини учратиш амри маҳол. Яқинда завод соқчиси ишчилардан С. Иброҳимов ва А. Хамитовларни тўхтатганда, улар ёнидан 128 дона шиша идишдаги узум шарбати топилди.

ҚОР ТАШВИШЛАРИ

● Узоқ кутилган қор баъзан бошга ташвиш келтирмоқда. Шу кунларда қулоқчин ўғриси кўпайиб қолди. 11 январь куни кеч соат олтиларда ТошПИ талабаси А.нинг бошидан қулоқчинини юлқиб олиб қочмоқчи бўлган ўсмир ушланди. Уни тўхтатиш учун милиция ходими уч марта огоҳлантирувчи ўқ узди. Тошкентдаги ҳунартехника билим юртларидан бирининг ўқувчиси, 18 ёшли К. Тўйчиев қилмиши учун жавоб бермоқда.

Пойтахтимизнинг Шота Руставели кўчасидаги «Кийим-кечаклар уйи» яқинида илмий-текшириш институти медицина ҳамшираси бошидан қулоқчинини номаълум йигит тортиб олди ва яшил рангли «ВАЗ—2106» машинага ўтириб яширинди. ГАИ ходимлари шошилинч уюштиришган таъқиб туфайли машина Богдан Хмельницкий кўчасида тўхтатилди. Рулни ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлмаган М. Миркамолов бошқарган экан. Қулоқчинни эса техникум талабаси О. Асадов гумдон қилмоқчи бўлганлиги аниқланди.

ҚИДИРИЛМОҚДА...

● Қаҳрамон Унаров. Мирзачўллик. 24 ёшда. У уйидан ўтган йилнинг 24 декабрида чиққан ва беному-нишон йўқолган. У қора чопон, енгсиз оқ жемпер, қизил-оқ рангли қўйлак, жигарранг шим, қора этикда эди. Ўрта бўйли, қотмадан келган, қорача, юзида ҳуснбузарлари бор, сарсоч. Сочларини орқа томонга тараганди.

Қаҳрамонни кўрганлар бўлса, у ҳақда яқин орадаги ички ишлар бўлимига «02» телефони орқали хабар қилишларини ёки қуйидаги адресга ёзишларини сўраймиз: **700029, Тошкент шаҳри, Г. Лопатин кўчаси, 1. Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги жиноят-қидирув бошқармаси, А. Кузнецовага.**

Ғ. Болтабоев, республика Ички ишлар министрлиги матбуот маркази ходими, милиция капитани.

ҚИРҒИЗ ТИЛИДА

Уч областнинг — Андижон, Фарғона ва Наманганнинг қирғиз миллатига мансуб аҳолиси она тилида мунтазам радио эшиттиришларини тинглаш имконига эга бўлди. Андижон область радиоси қирғиз тилида эшиттиришлар бошлади.

Қирғизистоннинг қўшни Ўш области биринчи эшиттиришни тайёрлашда катта ёрдам кўрсатди. Эшиттиришлар ҳафтада икки маротаба эфирга чиқади, энг долзарб мавзулар: қайта қуриш, миллатлараро муносабатлар, иқтисодиёт, фан, маданият масалалари юзасидан эшиттиришлар олиб борилади. Энди Андижон область радиоси тўрт тилда: ўзбек, рус, қрим татар ва қирғиз тилларида эшиттиришлар олиб бормоқда.

(ЎзТАГ).

Реклама ва эълонлар

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА КАСБГА ЙЎЛЛАШ РЕСПУБЛИКА МАРКАЗИ РСФСР КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРИДА ДОИМИЙ ЯШАШ ЎЧУН ОИЛАЛАРНИ

ТАШКИЛИЙ РАВИШДА КЎЧИРАДИ

КЎЧИШНИ ХОҲЛАГАН ГРАЖДАНЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ҚУЙИДАГИ МУДДАТДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

— РЯЗАНЬ ОБЛАСТИГА — 1990 йил 7 мартгача;
— ВОЛГОГРАД ОБЛАСТИГА — 1990 йил 7 мартгача;
— ИВАНОВО ОБЛАСТИГА — 1990 йил 16 мартгача;
— КИРОВ ОБЛАСТИГА — 1990 йил 23 мартгача;
— КАЛИНИН ОБЛАСТИГА — 1990 йил 13 апрелгача;
— РЯЗАНЬ ОБЛАСТИГА — 1990 йил 18 майгача;
— КОСТРОМА ОБЛАСТИГА — 24 майгача;
— НОВГОРОД ОБЛАСТИГА — 1990 йил 7 сентябргача;
— КАЛИНИН ОБЛАСТИГА — 7 сентябргача.
— РЯЗАНЬ ОБЛАСТИГА — 1990 йил 7 сентябргача.

Кўчиш учун расмийлаштирилган оилаларга бериладиган жойга текинга етиб олиш ва ўзлари билан 2 тоннагача юкни бепул олиб кетиш ҳуқуқи берилади, бир йўла ёрдам пули тўланади, турар жой ёки квартира, ҳовлисида керакли бинолар бўлган томорқа берилади.

Янги кўчиб келганлар икки йил мобайнида квартира ҳақидан озод этиладилар.

РАСМИЙЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ЭТИЛСИН:

ШАҲАРЛАРДА — шаҳар, область ишга жойлаштириш марказлари ва аҳолини ишга жойлаштириш бюроларига;

НУКУС ШАҲРИДА — ҚҚАССР республика марказига;

РАЙОНЛАРДА — ишга жойлаштириш бюроларига;

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА — Космонавтлар проспекти, 6-уй ва Привокзальная кўчаси, 30-уй ҳамда аҳолини ишга жойлаштириш район пунктларига.

САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ, ҚУРИЛИШ ВА ЛОЙИҲА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

Сизларни Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида

(Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси)

1990 йил 23 январдан 26 январгача ўтказиладиган 5

«ФЬЮЧИ ТЕХНОЛОДЖИ» АВСТРИЯ ФИРМАСИНИНГ ШАХСИЙ КОМПЬЮТЕРЛАР ВА ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ ЭЛЕКТРОН МОЛЛАРИ

КЎРГАЗМАСИГА

ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

Кўргазмада фирма ишлаб чиқаётган ускуналарни сотиб олиш юзасидан ўзаро шартномалар тузиш масалалари ҳам ҳал этилиши мумкин.

Кўргазмани ҳар куни соат 10 дан 18.00 гача келиб кўриш мумкин.

Кўргазмани — «Средазэлектроаппарат» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси энергетика учун паст қувватли ҳимоя қурилмалари ва системали автоматика комплектлари бўйича махсус лойиҳа-конструкторлик ва технология бюроси (СПКТБЭ) ташкил этган.

«ОСИЕ» ИЖОДИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Сизнинг буюртмангиз асосида истаган жанрда кино ва видеофильмлар, ташкилотингиз маҳсулотини реклама қилувчи роликлар ишлайди ва уларни кўпайтиради.

Буюртмангизни Ўзбекистон кинематографистлари аъло сифатда ва қисқа муддатда

ЗАМОНАВИЙ ЯПОН АППАРАТЛАРИДА БАЖАРАДИЛАР

«Осиё» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишончингизни оқлайдиган ижодий ташкилотдир.

Қўнимгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 98-уй.

Жумҳурият кинематографиячилар уйи, «Осиё» ишлаб чиқариш бирлашмаси. Телефонлар: 41-81-48, 45-32-41.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги М. Қориёқубов номли Ўзбек Давлат филармонияси

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

1, 2 февраль соат 19.30 да

Дўстлик тароналари ҚАТНАШАДИЛАР:

М. Қориёқубов номли ўзбек давлат филармониясининг солисти, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист

ОРТИҚ ОТАЖОНОВ

С. М. Киров номли Ўш ўзбек мусиқали драма театрининг солистлари, Қирғизистон ССР халқ артистлари: Ойтожи ШАБДОНОВА, Неъматжон НЕЪМАТОВ, Толибжон БАДИНОВ;

Қирғизистон ССРда хизмат кўрсатган артист

РАСУЛЖОН УРАЙИМЖОНОВ

«КАМОЛОТ—89» конкурсининг лауреати

МАҲАМАТКАРИМ СОИПОВ

М. Қориёқубов номли ўзбек давлат филармониясининг солисткаси

МУАЗЗАМ ҒАФУРОВА

Программани — Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.

Билетлар соат 11.00 дан сотилади.

Театр

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 1, 2 февраль соат 19.30 23/I да **Фармонбиби аразлади** (билетлар сотилган 19.00), 24/I да **Парвона** (19.00).

Тошкент халқ хўжалиги институти ректорати, партия, касаба союз ташкилотлари ва халқ хўжалиги тармоқларида бухгалтерия ҳисоби, назорати ва хўжалик фаолияти таҳлили кафедраси коллективи катта ўқитувчи Т. Ш. Ш-гиёсова онаси

Мукаррам ҚАЮМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Республика ўқув-методика марказининг дирекцияси, партия ва касаба союз ташкилотлари олий ва ўрта махсус ўқув юртларида махсус фанлар кабинети катта методисти З. Х. Мамуровга онаси

Сабоҳат СУЛТОНХЎЖАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Дон маҳсулотлари министрлиги коллегияси, партия ва касаба союз қўмитетлари министрлигининг масъул ходими У. У. Солибоевага отаси

Умар СОЛИБОЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат педагогика институти ректорати, партия ва касаба союз ташкилотлари ҳамда ўзбек ва қозоқ филологияси факультети коллективи ўзбек адабиёти кафедрасининг доценти, филология фанлари номзоди, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими

Уткир РАШИДнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 04046. № 19. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12